



БЕҒАРАЗ ҲАВАС ТАФТИ

(Учинчи китоб)



84

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

БЕҒАРАЗ ҲАВАС ТАФТИ
(УЧИНЧИ КИТОБ)

122.423

2060



ТОШКЕНТ 2012

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети қошида фаолият юритаётган “Маҳорат мактаби” иштирокчиларининг бадиий ижод йўлидаги машқлари уч йилдан бери китобча шаклида чоп этиб келинади. Бу ўзига хос йиллик “алманах”лар талаба ёшларда поэтик ижодга ҳавас уйғотиш, уларнинг илк машқларини қўллаб-қувватлаш ва тенгқурлари ўртасида тарғиб қилиш мақсадини кўзлайди. Унинг илк тўплами “Япроқ ёзди бинафша”, кейингиси эса “Ёиллик илҳомлари”деб номланган эди. “Бегараз ҳавас тафти” номли ушбу мажмуа улар мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг тантана қилинган ўтган йилда ижод қилган асарлардан айрим намуналарни ўзида жамлаган.

Мисъл муҳаррир:

ИНОМЖОН АЗИМОВ -
филология фанлари номзоди,
доцент;

Тақризчилар:

ТУРСУН АЛИ -
Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси,
шоир ва таржимон

ТОҲИР ШЕРМУРОДОВ
филология фанлари номзоди,
доцент;

Ушбу шеърый мажмуа Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2012 йил февралдаги 6-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги ТДПУ

“МАҲОРАТ МАКТАБИ” ПАЛАПОНЛАРИ

Республикамиз Президенти И.А.Каримов истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш тўғрисида тўхталар экан: *“Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва улар меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур”*¹, деб таъкидлаган эдилар. Республикамизнинг энг нуфузли Олий таълим даргоҳларидан бири бўлган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети *“Ўзбек тили ва адабиёти”* факультетининг *“Чашма”* ижодий тўғараги қошида *“Маҳорат мактаби”* фаолият кўрсатмоқда. Унинг машғулотларида баҳс-мунозара, мушоира, фикр алмашувлар билан бир қаторда элимиз севган кўплаб устоз шоир, носир ва драматургларнинг маҳорат сирларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Назаримизда, мазкур ҳолат ўзининг айрим амалий натижаларини ҳам бера бошлади. Таълим масканига республикамизнинг турли бурчакларидан келган бадиий ижод қилишга ҳавасманд ёшлар машқлари уч йилдирки камроқ адабда бўлса-да, йиллик тўплам сифатида чоп этилиб келинади. Илк тўплам *“Япроқ ёзди бинафша”*, кейингиси эса *“Ёшлик илҳомлари”* номида нашр қилинди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг тантана қилинган ўтган йилда эса, ўттиздан ортиқ ёшларда ижод машаққатларини кечинишга, ҳаётни нафосатли нигоҳ билан кўриш ва ифодалашга ҳавас уйғонди. Қувонарли жиҳати шундаки, бу жажжи ижодий мактаб ихлосмандлари сафида магистрантлар, бакалаврлар билан бир қаторда, академик лицей ва касб хунар коллежларининг ўқувчилари - бўлғуси талабалар ҳам бор. *“Беғараз ҳавас тафти”* номли ушбу мажмуа уларнинг машқларидан жамланган.

Амридин Амрулло, Зоир Ёрлақа, Умид Раҳматов, Акмал Қодиров, Турсунали Назарқулов, Феруза Боймуродова, Мафура Жамолиддинова, Мархабо Озодова, Шаҳноза Худойбердиева, Сохиба Бобоназарова, Моҳигул Ҳайдарова, Равшан Бўтанов, Фуркат Шоимов, Нилуфар Қаюмова, Ҳамида Ҳамроева, Бахтиёр Розиков, Сарвиноз Оллаберганова, Оқила Тилавова, Дилфуза Бахромова, Ситора Барлибоева, Хуршида Ашурова, Шаҳноз Нормуродова, Нурбек Эргашев, Шоҳсанам Бобоқулова, Мафтуна Турдиева сингари ёшларимиз сафига яқунланган йилда Феруза Шаропова, Гулруҳ Равшанова, Умида Рафиева, Гулноза Сайфиддинова, Хусан Мақсудов, Акбар Али Боймирзаев, Севинчой Ёқубова сингари янги-янги ҳаваскорлар келиб қўшилди.

Улар ўз қораламаларида қалбида кечаётган туғёнларини тасвирлаш, сўнгсиз ҳайратларини ифодалашга ҳаракат қилишади. Шунинг учун дўстлик, биродарлик, муҳаббат, вафо, садокат, соғинч хислари ифодасида

¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009, -Б.20.

ҳам, бунёдкор халкимиз ва жаннатмакон юртимиз шарафланишида ҳам, лирик қаҳрамон ўз талпинган фазилат-хислатларининг антиподларига дуч келиб руҳан ўртанган, изтироблар қучоғида қолган оний лаҳзаларда ҳам туйғулар самимияти уфуриб туради.

Ёш қаламкашлар қалбида сабр, қаноат ва шукроналик туйғулари ҳоким. Улар шу туйғулар призмасидан инсониятнинг нафс илинжидаги турфа эврилишларини баҳолашади. Инсон мавжудиятининг моҳиятини англаш ва англаштига уринишади. Тафаккур ва идрокида кашф этган маъноларини ўз ҳаётлари ва жамиятга тадбиқ этишни тилашади. Кўринадики, улар учун санъат хайратлар олами, дил изҳорлари маскани, абадиятга дахлдор бўлмоқ имкони.

Албатта, мазкур машқлар ошқора ташвиқийлик, декларативлик ва дидактикадан мутлақо холи эмас. Аммо ўша уқтирилаётган ҳақиқатларни умумлаштирсак, агар инсон бир-бирига дўст ва биродар бўлса, одамлараро муносабат самимият асосига қурилса, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш қундалиқ турмуш тарзимизга айланса ҳаётимиз янада гўзал бўлади, деган фикрлар етакчилик қилиши ойдинлашади. Ёш қаламкашлар тафаккур ва идроки кашф этган халкимиз менталитетига хос соддалик, меҳр-саховат ва бағрикенглик, сабр-қаноат ва шукроналик сингари азалий қадриятлар билан боғлиқ солим маънолар ўз салмоқдорлиги билан ҳам диққатга лойиқдир.

Шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, ижод машаққатларини ўз зиммасига олишга аҳд қилган бу ёшларимизнинг галдаги вазифаси тасвирдан оний кечинмалар ифодасига қўчиш, қалб призмаси орқали умумбашарий мазмун ва моҳиятни янада теранроқ акс эттиришга ҳаракат қилишдан иборатдир. Уларга яратаётган манзумаларидан ҳар бир шеърхон ўз дард-кечинмаларини топа олишини ўргатиш, реал “мен”ни поэтик “мен” га айлантиришни ўзлаштириш йўлида университет профессор-ўқитувчилари Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда тинимсиз тер тўкиши лозим.

Кувонарли жиҳати шундаки, поэтик нутқнинг эмоционал-ҳиссий тўйинтирилиши, вазни, ритми, мусикий жаранги, ўзига хос фонетик ва синтактик ташкилланиши, ундаги кайфият ва кечинманинг ўқувчига “*юқтирилиши*” – шакл ва мазмун уйғунлиги сингари муаммолар юзасидан шу пайтгача ўтказилган суҳбатларнинг илк куртаклари кўнглимизга таскин беради. Айрим ёшларимиз лирик субъект ҳис-туйғулари аксланган воқеликни баён қилишдан, уни санъатга дахлдор ҳодисага айлантириш сари сифатий силжиш босқичига ўтишмоқда. Улар бу йўлнинг сермашаққат изланишлар орқали кечишини-да теран англашади.

Шеърят аталмиш улуғ уммондан қатра-қатра баҳраманд бўлишдан чарчамай, устозлар тажрибасини ижодий ўзлаштиришга астойдил бел

боғлаган ўғил-қизларимизга келажакда ўз сўзи, сози ва овозини топиб, кўплаб мухлислар орттиришлари йўлида мустахкам ирода, куч-қувват тилаймиз. Айти дамда, бегараз ҳавас тафтидан яралган ушбу манзумалар сизнинг дилингизга нурафшонлик олиб киради деган умиддамиз.

ТУРСУН АЛИ

Ўзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси, шоир ва таржимон



Амриддин Абдулло – 1983 йилда Навоий вилояти, Нурота тумани Ғозгон қишлоғида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек адабиёти” мутахассислиги 2-курс магистранти.

ОТА-ОНА

Ғам-аламинг ҳеч бўлмагай,
Кундузларинг кеч бўлмагай,
Юрагингга дард тўлмагай,
Она-онанг ҳаёт бўлса.

Кўзингдан ёш тўкилмайди,
Алиф қаддиинг букилмайди,
Қалбингга ҳеч ғам келмайди,
Она-онанг ҳаёт бўлса.

Еганинг канд-асал бўлар,
Эшитганинг ки панд бўлар,
Дилинг бахтдан ўйнаб кулар,
Она-онанг ҳаёт бўлса.

Дардингга у шерик бўлар,
Рисқу рўзинг йирик бўлар,
Сенинг учун жонин берар,
Она-онанг ҳаёт бўлса.

ЯША

Минг ўйлар билан ўтар кунимиз,
Йўқлик сари дўнар бугунимиз,
Кўнгиллар тинч, осуда тунимиз,
***Ҳар кунингни ганимат деб яша,
Мехр-оқибатни сақла, бахт ўша.***

Инсонлар бор ҳар ёкка чопар,
Кимдир савоб, ким гуноҳ топар,
Лахза туюлар кимга хушхабар,
***Ҳар кунингни ганимат деб яша,
Мехр-оқибатни сақла, бахт ўша.***

Чопарлар мол-дунё йиғмоқлик-чун,
Киладилар ният савоб учун,
Оналарнинг ул дуоסי учун,
*Ҳар кунингни ганимат деб яша,
Меҳр-оқибатни сақла, бахт ўша.*

Кун ўтказмоқ ўзи мақсад бўлолмас,
Сўзингга кўчмаса ният бўлолмас,
Эзгу амал қилмай кўнглинг тўлолмас,
*Ҳар кунингни ганимат деб яша,
Меҳр-оқибатни сақла, бахт ўша.*

Ҳавас эмас сен амални ўйла,
Савоб қилган яхшиларни бўйла,
Ҳамиша яхши ҳақида сўйла,
*Ҳар кунингни ганимат деб яша,
Меҳр-оқибатни сақла, бахт ўша.*

ОНА

“Яхши”ларга эргашдим, она,
Дўст бўлиб дўстлашдим, она,
Улар билан сирлашдим, она,
Аmmo адашибман дўстлашиб, она!

Кўзимга қараб ёлғон гапирар,
Лоф сўзлари ичимни тирнар,
Бутун қалбни чил-чил синдирар,
Хато қилибман дўстлашиб, она!

Иши тушса келар кошимга,
Шерик бўлар еган ошимга,
Иши йўқ нелар тушса бошимга,
Дўст танлашда адашибман, она!

Ўзни бечорахол кўрсатадилар,
Хўп яхшиликка жавоб, унутадилар,
Ғийбатдан не манфаат кутадилар,
Чин дўстни топмадим она!

Бир умр ёнимда қолсалар майли,
Жон деса жонимни олсалар майли,
Аммо дўст қадрини билсалар майли,
Сиздай яқин дўстни топмадим, она!

ЯШАМОҚ КЕРАК

Келдилар, кетдилар, туғилмоқдалар,
Ҳатто жигаридан айрилмоқдалар,
Меҳр-оқибатни унутмоқ нечуи?
Дунёга келдикми яшамоқ керак.
Ҳамиша яхши ном қолдирмоқ учун.

Қўлини чўзади кимдир етимга,
Ёлғон гапиради дўстим бетимга,
Ажратмоқ мумкинми этни тирноқдан?
Дўстим тузилдикми яшамоқ керак.
Дунёда яхши от қолдирмоқ учун.

Кўрдингми, бу одам меҳрдан йироқ,
Махзун калбларга ёқолмас чироқ,
Кўкларда сузмокни истайди бироқ,
Меҳрдан яралдикми, яшамоқ керак,
Дилларга меҳрни улашмоқ учун.

Эзгулик ярашар ҳар яхши зотга,
Қамчи даркор эмас ул яхши отга,
Чорлаш лозим мудом илму одобга,
Яхшилик қилиб яшамоқ керак,
Очунда яхши ном қолдирмоқ учун.

Насиҳат айтмоқни этмадим ният,
Яхшилик қилинг ҳиммат-беминнат,
Дилдан йўллагайман энг эзгу тилак,
Улуғлаб ҳурликни яшамоқ керак,
Озод бир юрт қолдирмоқ учун.

УЧРАТ

Дардим айтгим келаверар зебога,
Тордайман гоҳида бу кенг дунёга,
Нолаларим етмас ёлғиз Худога,
Дардим эшитгувчи дардкашни учрат!

Дўстларим атрофда гирдикапалак,
Чин дўстни билолмай бу жоним ҳалак,
Соғинтирар ўшал гўзал ёр малак,
Оқила, вафоли махвашни учрат!

Баҳоналар килиб келар кошимга,
Турли савдоларни солиб бошимга,
Тузимга тупурди еган ошимга,
Ширинсўз айтгувчи дилкашни учрат!



Зоир Ёрлақа 1983 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманда туғилган. Низомий номидаги ТДПУ нинг “Ўзбек адабиёти” йўналиши 2- курс магистранти.

Қаршимда юзлари
Тип-тиник қоғоз.

Менга жимгина боқиб
Жилмайиб турар,

Худди дунёнинг гуноҳсиз
Оптоқ юзидек.

Унга нимани ёзай,
Нурли юзларини қай рангга бўяй?

Нимани ёзсам арзир
Унинг пешонасига!..

Савол берсам ҳамки
У барибир жим.

Яхшиси унга дунёни ёзаман,
Борлигидан тортиб то
Йўқлигига.

Ўшанда иккимизга ҳам
Яхши бўлади.

Чунки у ҳам мен каби
Шу борликнинг парвар
Бир тамкин юзи.

* * *

Бир боғ барпо этдим
Хаёлларимда,
Танингдан тупрогу
Рухингдан ниҳол –
Олиб кўқартирдим
Рухи – жонимда,
Сувлари – кўз ёшу
Нурлари – висол.
Сенга багишладим
Ўсишинг учун,
Бурнимдан чиқади
Бир олов – ҳаво.
Мана сенга бердим
Гуллашинг учун,
Юракнинг титроғи
Ажиб бир наво.
Шундайин яратдим
Юракда – хилкат,
Мазмунинг бир сўзу
Шаклинг бир бекам.
Борликнинг бағрида
Сирли табиат,
Ҳижронинг чексизу
Дийдоринг адам.
Мана сенга тўрт фасл,
Кўёшли, ойли,
Ҳохлаб яшайвергин
Ўзингда рохинг.
Биргина савол? Асл
Дунёнда мени,
Қандай яратгандинг,
Қандай бор этдинг?!

* * *

Тун.Соат иккилар...
Бозор уф тортади
уйқусизликдан.

Ва нафрат билан тикилади,
уни ухлатгани қўймай
у ёқдан бу ёкка шошиб
югураётган одамларга.
Ҳамон бу дунёни сотиб
тўймайдиганларга қараб
баттар сиқилар у.

Бирдан унинг қалби уйғонар,
Нимадир тушади эсига.
Ичидан ачиниб кетади,
рахмдан энтикиб.
Ва гўдакли онадай
иссиқ бағрига олар,
Тирикчиликдан совкотган
болаларини.

Ногоҳ ўйлаб қолади:
“Мен бўлмасам нима
киларди бу одамлар”

Жудаям чарчаган бозорни
ўйламас ҳеч ким.
Бу гаплар тугагунча
ой ҳам ботиб кетди.
Уфқлар оқариб келар
кўзи очиқ мудраётган
бозорнинг шундоқ бошида.

* * *

Арчалари ватанга соя,
Ҳар бир тоши бир ўзбек эҳром!
Кўкрагимдан ўсган ҳар қоя
Бургутларга севимли макон.

Туманлари - уйларда меҳмон,
Субҳда шабнам - гулларга бода.
Тонг маъбуди - о, сўфий чўпон,
Сендан бахтли борми дунёда!..

Зовларида турар мунғайиб,
Биби Марям - энг гўзал суръат.
Бунда борар юрак кенгайиб,
Тополсанг бас чидашга журъат!

Тошмачитнинг чўққиси - нарвон,
Чиқавергин сомон йўлига.
Юлдузлар-ла сурасан даврон,
Сурайёни кучиб белидан.

Шаршарадай шўх ўйноқи қизлар,
Сув олади булоқ кўзидан.
Гул сутига чайилган юзлар,
Гўзал ҳатто Нефертитидан!²

Мачайдарё - тоғлар сунган май,
Қирғоқларда - толлар майпараст.
Куйгин жоним ёниб сипқорай,
Юзинг кўргач бўлдим ишқпараст.

Мачай - жоним, кучгин мени суй,
Юзинг очиб кўчгин шеъримга!..
Мен учун сен энг ёқимли куй,
Таратаман сени дунёга!..

ВАТАН ҲАҚИДА ИЧКИ МОНОЛОГ

Ватан сенинг бағрингда
Кўкармоқ осон,

Ватан сени қалбларда
Ўстирмоқ мушкул!..

² Нефертити—Миср Фиръавини Рамзеснинг гўзалликда тенгсиз ёри. Афсоналарда келтирилишича у Троялик Еленадан ҳам, малика Клеопатрадан ҳам гўзал бўлган.



Бахтиёр Розиков 1988 йил Наманган вилояти, Наманган шаҳрида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили” мутахассислиги 2-курс магистранти.

КЕЛСИНЕЙ

Орзудаги қизни топдим онажон,
Менга ёқди мен ҳам ёқдим онажон,
Умид билан сизга боқдим онажон,
Сизга қизу менга дилдор бўлсиней,
Рози бўлинг келин бўлиб келсиней.

Қоши қора кўзлари оҳумисол,
Қокиллари узун, юзлари ҳилол,
Қиз кўрмадим бундайин соҳибжамол,
Қалбим тўри шу қиз билан тўлсиней,
Олиб беринг келин бўлиб келсиней.

Ҳали келса ўзингиз ҳам кўрасиз,
Қўшниларга мақтаниб ҳам юрасиз,
Қошимизда савлат тўкиб турасиз,
Ширин сўзлаб дардингизни олсиней,
Дуо қилинг келин бўлиб келсиней.

Гўзалликда ойга етар паридир,
Кичикни ҳам ҳурмат этар паридир,
Ўзингизга ўхшаб кетар паридир,
Елиб елиб хизматингиз қилсиней,
Айтинг она келин бўлиб келсиней.

Совчи бўлинг илиб кетмасин қўлдан,
Оллоҳ бизни қўлласин эзгу йўлдан,
Шу қизчани севиб қолдим чин дилдан,
Бахтиёрнинг бахти мудом кулсиней,
Тўй қилайлик у келин бўлиб келсиней.

ОҲ УРДИМ

Оҳ урдим, оҳимга осмон қўшилди,
Қалбимни тўлдирган дардлар тўкилди,
Интиқман, овозинг бунча кутилди,
Лабимда титрайди не учун исминг,
Айт ўзи дилбарим ким эди аслинг?

Ҳадикда юрагим борлигинг ростми,
Азобим билан дўст ёрлигинг ростми,
Дилдорим мен каби зорлигинг ростми,
Чаросим юлдуздан ўзарми ҳуснинг,
Айт ўзи дилбарим ким эди аслинг?

О менга берганинг укубатми ё,
Зебо киз тилагинг рутубатми ё,
Озоринг ортида муҳаббатми ё,
Дунёни тор этдинг бормиди қасдинг,
Айт ўзи дилбарим ким эди аслинг?

МАЖНУНТОЛИНГИЗ

Гўзал нозли, мовий тус кўзли,
Малла сочли эй хонзода киз –
Лаби новвот, оқ ўрик юзли,
Боғда эсган шўх шаббода киз.

Мен нотавон, гўр, фаҳмсизман,
Журъатимга кишанлар солдим.
Ўз – ўзимга ёв раҳмсизман,
Афсусларнинг бағрида колдим.

Сиз учасиз бир ҳаққушмисол,
Олиб жону мадорларимни.
Энди ҳаёт кўринмас зилол,
Мен ҳайдадим баҳорларимни.

Не қилайин ўзимда гуноҳ,
Ғоз қилмадим қадди долингиз.
Сиз томонга ташлолмай нигоҳ,
Бахт тилайди мажнунтолингиз...
Кўнглимдаги тилагим, оҳим,
Сизни хушнуд кўрмоққа зорман.

Чин Юсуфни топибсиз моҳим,
Шод бўлсангиз мен бахтиёрман.

СУБҲИДАМ ҲИЛАРИ

Анхорнинг лабига аста Ҳтириб,
Сувнинг жилосига боқиб тўймадим.
Қизгалдок баргини кўзимга суриб,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим.

Куйладим, майсалар тебранди бирдек,
Ҳижроннинг сарҳади кўринди кирдек,
Факат мусичалар оҳимга шерик,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим.

Ҳрик гулларини Ҳйнайди сабо,
Мойчечак товланар тилларанг зебо,
Ойга термуламан, айтиб алвидо,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим.

Олисда хўрозлар кўшик бошлаган,
Чумолилар юрар кунни хушлаган,
Юрагим шу замон отдек кишнаган,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим.

Ҳйларим ортади, саволларим ҳам,
Мени эслайсизми бир бора эркам?
Майли сиз оромлар олинг маликам,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим.

Кўкдаги лоланинг чанггимикан а,
Уфқ дилнинг кизарган ранггимикан а,
Билмадим тушим ё ўнггиммикан а,
Субҳидам чоғида сизни Ҳиладим...

АГАР БАХТЛИМАН...

Тунда ой, кун куёш кўкка шошади,
Сени жамолингни кўрмоқлик учун.
Кундан кун чиройинг кўрки ошади,
Чаманзор диёрим очавер ҳусн.

Оллоҳнинг назари тушган эл буюк,
Йўлингни ёритар боболар руҳи.
Ўтмиши бут элнинг келажаги бут,
Мангудир осуда ҳаёт шукуҳи.

Кўксимдаги туғён бермайди омон,
Кўкларга кўтарсам эди шонингни.
Баралла айтайин мадҳингни баён,
Жаҳон билиб олсин улуғ номингни.

Гарчи орзуларим юксакда парвоз,
Сендан парваришу меҳр кўрдим мен.
Факат куйларимда қилиб сарафроз,
Ватан сенга ўзим нима бердим мен.

Озод юрт отамдек азизсан ҳар он,
Тафтингни сезаман онамни кучсам.
Мен агар бахтлиман жон Ўзбекистон,
Сени равнакиннга ҳиссамни кўшсам.



Рахматов Умид Абдухалилович - 1986 йил Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ "Ўзбек тили ва адабиёти" факультети 406-гуруҳ талабаси.

ИККИ ҚАЛБ

Бу икки қалб севишмоқ бўлди,
Муҳаббатдан ой каби тўлди.
Бирга ичиб севги шаробин,
Севгисидан бахт қурмоқ бўлди.

Бирга юриб ўйнади, кулди,
Гоҳо шодон, гоҳо ғамликда.
Давру даврон сурмоқчи бўлди,
Лекин ой йўқ коронғу тунда.

Йигит узок сафарга кетди,
Қиз уйига совчилар келди.
Ох, бунчалар аччик бу такдир,
Икки қалбни ажратиб қўйди.

ОТА МЕҲРИ

Оталик меҳрингиз бердингиз менга,
Оғзимдан чиққанин дурга битдингиз,
Истаган нарсамни бажо этдингиз,
Отажон сиз менга фотиҳа беринг.

Қўнглимдаги гапни топасиз ҳар вақт,
Агар хатлар қилсам йўл кўрсатасиз.
Билмаганим доим сиз ўргатасиз,
Отажон сиз менга фотиҳа беринг.


Сизнинг қўзингизга тик каролмайман,
Сизнинг дилингизни ранжитолмайман,
Қўзимнинг нурисиз дилим гавҳари,
Отажон сиз менга фотиҳа беринг.

ОНАЖОНИМ

Бу дунёда азиз инсоним,
Фақат сиз-сиз жонажон онам.
Худо берса менга мол-давлат,
Қураб эдим кошона каср.

Кошонамас жон фидо қилсам,
Узолмасман бир умр қарзим.
Ёшлиқ қилиб қилсам гар хато,
Уришсангиз менга шу жазо.

Онажоним сиз-сиз суянчим,
Бу дунёда якка таянчим,
Сиз-сиз менинг қўнглим малҳамим,
Сиз-сиз менинг қўнглим қалқони.





Кодиров Акмал Ахрорович – 1989 йилда Бухоро вилояти Ромитан туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 406-гуруҳ талабаси.

ҲАҚИҚАТ

Фоний дунё дерлар, хақиқатан ҳам,
Ҳеч нарса қолмайди, абадий бўлиб.
Шон-шуҳрат, обрў ҳам, ҳатто мол-дунё,
Ёрдам беролмайди “Ҳақ” кунни келиб.

Қанча минорларни қум ютганидек,
Нураётир ҳатто миср эҳромлар...
Умрини сарф этиб йиққан-у бойлик,
Ҳеч нарсасиз кетган неча минг бойлар.

Кун келиб қуёш ҳам сўнар эҳтимол,
Базмлар унитилар, у қалин-сарполар.
Фақат бу дунёда нурамайгина,
Қум ютмай
Меҳр ва яхшилик қолар.

ДУНЁНИ АЙБЛАМА

Зебра ҳам ўз рангин билмоқ истаркан –
Баданида қора, қорамийё-ок...
Инсон ҳам билмайди фоний дунёда,
Ё ўз жуфтин топар, ё ўтади ток.

Токлик энг аввало Тангрига хосдир,
Топинган ҳар инсон бир-бирга мосдир.
Дунёни айблаймиз баъзи ишларга,
Зеро, тақдир йўлинг қўлдаги создир.

Бу куй давом этар сен қандай чалсанг,
Машшоқ ҳам шу йўлда, шунда саводсиз.
Машшоқ қойиллатиб чалганин кўрсанг,
Дунёни айблайди ночор саводсиз...

Хазондан сўз очмайман бугун,
Фирок қолиб кетди назардан.
Кўкрагимни чангаллаб бутун,
Ҳазар қилдим бугун хазардан...

(Тоғдек балки) недир ғашлик бор,
Пичирлайди юрак қаъридан.
Сим-сим, сим-сим дилни кемириб,
Кулиб қўяр тагин сўридан.

Соғди-соғди танамни бутун,
Торлик килди юракка терим.
Топдим... Ўша ғашликми... Бугун –
Қаҳ-қаҳ отиб туғилди шеърим.

ИЛҲОМ

Айрилиққа кариндошсан,
Фирок билан жон-жондошсан.
Сени йўқлаб, кутмок бекор,
Соғинганда сен қондошсан.

Юрагимни тўлдирасан,
Индамайман, сўлдирасан.
Қўлларимга сиёҳ бериб,
Қароғида ўлдирасан.



Назарқулов Турсунали Қўчқорович – 1987 йил Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 404-гуруҳ талабаси.

ТРАМВАЙ

Темир изларини босган трамвай,
Шохларини симга осган трамвай,
Югуриб ортидан етолмай колдим –
Ёрни олиб менсиз қочган трамвай.

Эшикларин кулиб очган трамвай,
Меҳрини аямай сочган трамвай,
Темир бекатларда колдириб мени,
Хаёлимни олиб қочган трамвай.

Тақир-тукур қўшиқ айтган трамвай,
Манзилига элтиб қайтган трамвай,
Шунча одамларни олиб бағрига,
Мени ташлаб ўзи кетган трамвай.

Не-не азизларни кўрган трамвай,
Кўп нарсага гувоҳ бўлган трамвай,
Доимо бизларни мушток куттириб,
Гоҳи бўшаб, гоҳи тўлган трамвай.

СИЗ КЕТДИНГИЗ

Сиз кетдингиз “бахтлиман” деб,
Бахтдан эртак сўйлаб кетинг.
Тақдиримнинг тор йўллари,
Йўлларимни кенглаб кетинг.

Сиз кетдингиз қалбингизга,
Сирларингиз жойлаб кетинг,
Мен берган шу гулчамбарни,
Сочингизга бойлаб кетинг.

Сиз кетдингиз ёмғирли кеч,
Ортга бир бор қайтиб кетинг.
Биз севган сой, мажнунтолга,
Севаман деб айтиб кетинг.

БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ

Болаларча бир ширин килиб,
“Ойи нон” деб айтгим келади.
Шўхликларим соғиниб яна,
Болаликка қайтгим келади.

Мен бувимдан тинглаб эртак,
Сусамбилга боргим келади.
Тохирни ром этган қаламқош,
Гул Зухрони кўргим келади.

Мақтабимни эсимга олсам,
Жон устозим дегим келади.
Арикларга эгилиб яна,
Нон оқизиб егим келади.

Қўшни кизни учратиб колсам,
Сочига гул таққим келади.
Болаликдай тошқин дарёда,
Шўхлик килиб оққим келади.

СЕВАМАН

Мен сени севардим ҳамон севаман,
Мен сени шундайин ёмон севаман,
Минг пора дилимни овутиб ҳар кун,
Бир ўчмас оловдай давом севаман.

Мен сени гулларга ўраб севаман,
Худодан сенга бахт сўраб севаман.
Олдимдан жимгина ўтиб кетсанг ҳам,
Ортингдан термулиб караб севаман.

Хаёлан сенга гул тутиб севаман,
Дардларим ичимга ютиб севаман,
Қоронғу кечалар қачондир тугар,
Оппоқ тонгларимни кутиб севаман.

Сенинг севмаслигинг билиб севаман,
Йиғлаган дил билан кулиб севаман,
Қалбимни энг узун армонга бошлаб,
Юрагим тўрини тилиб севаман.

ШОИРЛАР

“Шоирлар ким”- деса агар
Шундай дейман!
Ок қоғозга қора дардни
Ёзгувчилар.
Ёзган сари ақлидан ҳам
Озгувчилар.

“Шоирлар ким”- деса яна,
Шундай дейман!
Юрагини самоларга
Сочган улар.
Сўз орқали янги дунё,
Очган улар.

“Шоирлар ким”- деса такрор,
Шундай дейман!
Қалби билан юлдузларни қучган улар.
Ерлик эмас, балки ойдан,
Тушган улар.



Боймуродова Феруза Бозорбоевна – 1988 йил Жиззах вилояти, Зомин туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 404-гуруҳ талабаси.

АРМОНГА КЎМИЛГАН ЯПРОҚ

Армонга кўмилган япроқ,
Билмас эди кузнинг нелигин.
Хаёллари завқли ва кувнок,
Сезмас эди бари ўткинчи.

У яшарди доимо мағрур,
Ўзи севган олам кафтида.
Ишонарди бўлар барҳаёт,
Барча шодлик кўлим остида.

Эркалатди уни бор олам,
Тонгда юзин юварди шудринг.
Англамади бари ёлғончи,
Сезганида қилмасди алам.

Орзу килди кўп ширин хаёл,
Ва интилди уни тутмокка.
Содда кўзин боғлаган шамол,
Чорлар уни сўнгги сўкмокка.

Миттигина юраги тўлиб,
Кўп ишонди ширин ёлгонга.
Кузга салом бермаган япроқ,
Айланди-ку, маюс хазонга.

СИЗНИ ЭСЛАБ...

Сизни эслаб, қалбим кувнайди,
Юрагимдан йўқолар ғубор.
Сизла яшар соф орзуларим,
Минг шукурким дунёда сиз бор.

Онажоним сиз қалбим куёши,
Сизла тўқилмас кўзларим ёши.
Меҳрли қараш, ширин сўзингиз,
Келажакка кучим йўлдоши.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Ўткинчидир бу дунё,
Беҳудага тўқма ёш.
Орзулар ҳам рўёмас,
Ғамни сургин, кўтар бош.
Кулиб бокқин оламга,
Мазмун топгин яшашдан.
Вактни ғанимат билиб,
Гуллар таққин савобдан.

СОҒИНЧ ЁШЛАРИ

Бугун соғинчимнинг охири чексиз,
Билмайман, бунчалар азобга тўла.
Юрагим сўзлайди менга забонсиз,
Тушунсанг бунчалар ёнмасдан сира!

Менинг бу кўнглимни забт этган соғинч,
Баён эта олмас сенга бу дардни.
Эй менинг қалбимдан жой олган севгим
Мени менча ҳис эт, сендан бир ўтинч.

МАЙЛИ КИМГА...

Майли кимга яхши-ю кимга ёмонман,
Мен ҳам Оллоҳнинг бир осий бандаси.
Ким учун армону асл соғинчман,
Юраги беғубор умидга чўмган.
Ким учун аталган ғунча атиргул,
Аммо бу ҳаётда сизга талпиниб.
Нурли келажакка одим ташладим,
Факат сизга бўлган битта сўроғим,
Агар мени ҳаётим дея билсангиз,
Соч оқарган чоғларимда ҳам
Менга содик, вафодор ёр бўлурсиз?



Жамолиддинова Мафура 1990 йил Тошкент вилояти, Зангиота туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 403-гурух талабаси.

АЙЛАНДИ

Куйганда ўзим куйдим,
Нетайки ўзим суйдим,
Севинчга ошён маскан –
Ғамхонага айланди.

Эҳ ёлғончи қора кўз,
Бу кўзларда қандай сўз,
Сўзни доғида қалбим,
Ҳайронага айланди.

Умиду илинж қани,
Қани ғурурим мани,
Ишк ҳам икки ўртада –
Сарсонага айланди.

Ҳавода учди сўзлар,
Нетай кўп ғўзал кизлар,
Ўшал санам сен учун –
Жанонага айланди.

Кўрдиму кечдим осон,
Ахир қолмади имкон,
Ишқдан қурилган бино –
Вайронага айланди.

Йиғламайман, куймайман,
Хўрланишни туймайман,
Ҳиёнатдан бу юрак –
Мардонага айланди.

Ойлар ўтар, йил ўтар,
Қалб ҳам аста унутар,
Қачонлардир кадрдон –
Бегонага айланди.
Кечир дема, бош эгма,

Ўзингча охлар чекма,
Сен билган у содда қиз –
Афсонага айланди.

УМИД

Умид, сенга ўзга илинжим ҳам йўқ,
Сен ўшал яшашга ундаётган чўғ.
Ваъда айлагансан орзу рўёбин,
Умид, сендан ўзга умидим ҳам йўқ.

Кемтик бу юракда милтираган жон,
Йиғлоқи қалбимга ўзинг меҳрибон.
Тўкилай деб турган руҳимга маним,
Кичкина эсангда бўласан қалқон.

Тарк этмадинг йўқсил бўлган чоғда ҳам,
Ёнимдасан ичим кемирса алам.
Қани омад, қани шодлик, қани бахт,
Ўзинг вафолисан ҳар содиқдан ҳам.

Сенсизлик далолат демакки шайтон,
Сен билан тўлиқдир, қалбларда имон.
Йўқсилнинг ягона бойлиги ўзинг,
Сенсиз яшолмайди ҳеч битта инсон.

ОЗГИНА ҚОЛДИ

Йиғлоқи руҳингни овутиб тургин,
Ўзингни ўзгадан совутиб тургин,
Сабрдан симириб жим кутиб тургин,
Мана кетаяпман, озгина қолди.

Йўллар ҳижрон билан тўсилган экан,
Ўнгу сўл тарафим аламли тикан,
Ишқдан ёнган юрак охир енгаркан,
Мана кетаяпман, озгина қолди.

Тушимга кирасан излаб юрибсан,
Мен учун ишқдан уй қуриб қўйибсан,
Айт қайси манзилда кутиб турибсан,
Мана кетаяпман, озгина қолди.

ЗАМОНАМИЗ ЙИГИТЛАРИ

Дарахтни бир силкитаман қизлар ёғади,
Асли ўзи каминага бари ёқади,
Лек бир бошга битта хотин аттанки шундай,
Шу қизларнинг сўзсиз менга бири боқади.

*Замонамиз йигитлари ўйларин қаранг,
Тополмайсиз битта мардни қидириб аранг.*

Бири дейди бир йигитга ўнта киз эмиш,
Хуш ёқади албат бизга бундайин миш-миш,
Қизлар қадрин ерга урар гар индамасак –
Бундайин гап бизлар учун нақадар эриш.

*Замонамиз йигитлари дарди бўлакча,
Қизлар кўпу лек бирини қадри бўлакча.*

Бойрогидан топсам дейди яна биттаси,
Бош кўзини айлантитар, гапга устаси,
Қиз севди дер, бу шайтоннинг нияти бўлак –
Ишламасам мацца дейди гапнинг сираси.

*Замонамиз йигитлари бунчалар айёр,
Меҳнат десанг юз буради, гап десанг тайёр.*

Битта қизни кўмиб ташлай олмас гулларга,
Дангасаю учиб турар кўзи пулларга,
Шоира қиз гапинг айту, қочиб қол шартга,
Битта гап ҳам ортиқчадир асли уларга.

*Ҳой йигитлар гапирсак кўп ҳали гапимиз,
Инсоф берсин ўзингизга шудир дардимиз.*

ЯРАШАР

Бугун яшамокка келди давронинг,
Тарих гувоҳ йўлга чиккан карвонинг,
Рўёга айланди барча армонинг,
Ватан сенга бугун шодлик ярашар,
Шодлик ила албат поклик ярашар.

Зулм забаларин улоктир энди,
Жангу жадалларнинг сурони тинди,
Бошинга сен кутган хумойинг кўнди,
Ватан сенга бугун қувонч ярашар,
Қувонч ила албат ишонч ярашар.

Синовларни суриб сараланган сен,
Бугун олам очар қулочини кенг,
Бўйларинг ҳам энди осмонларга тенг,
Ватан сенга бугун шуқуҳ ярашар,
Шуқуҳ ила албат ютуғ ярашар.



Озодова Марҳабо Баҳодировна – 1990 йил Хоразм вилояти, Хазорасп туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 403-гуруҳ талабаси.

ҲАЁТ

Ҳаёт сен шунчалар машаққатлисан,
Олиб келдинг ўзинг шодлик ва ҳасрат.
Нечун сен баъзида дардли юраксан,
Сўзлагил эй ҳаёт, тинглайин сени.

Тилгинам ожиздир таъриф этишга,
Барча инсонларнинг ўтмиши сенда,
Сенинг машаққатинг енгиб ўтишга,
Инсонлар юраги беради бардош.

Ўтмишу келажак ҳамда ифтихор,
Кечар сенда барча киёслар такрор,
Лекин ҳаёт сенда жароҳатлар бор,
Улар эса аслида бўлар бетакрор.

Дунёга келдимۇ мен сени кўрдим,
Ёш мурғак қалбимдан жой олдинг бедор.
Сирли уммонларинг измида колдим,
Толиққан қалбимга бўлдинг устозим.

УСТОЗЛАРИМГА

Болалар илмининг султони сизлар,
Барча эзгу ишлар мумтози сизлар,
Жонингиз фидодир чексиз илмга,
Саховатга тенгсиз устозим сизлар.

Бу олий касбингиз ўргатар илмлар,
Яхши ўқимасам , нотинчдир дилим,
Сиз туфайли ҳаёт йўлим чароғон,
Сиз туфайли мана олдим кўп билим.

Меҳр тўла қалбингиз кенгдир устозлар,
Изингиздан юрай пок ниятда мен.
Пойингизга таъзим азиз буюқлар,
Сизларга оллоҳим мадақкор бўлсин!

МАНГУ ИШҚ

Ғуссалардан йиллар йиғлайди,
Оҳ чехралар гулдай сарғайди,
Ўжар юрак иқрор бўлмайди,
Яна сени кўргим келади.

Наво ўтди, бенаво ўтди,
Ўртамиздан бир дунё ўтди,
Тан олмадик бир хато ўтди,
Ҳамон сени кўргим келади.

Ғунчаларнинг лабида ҳайрат,
Энтиктирар ғунчалар сайраб,
Келдим шунча ўзимни алдаб,
Нетай сени кўргим келади.

Шалаббодир ёмғир кўйлаги,
Кучоклайди чақмоқ билаги,
Ок кўйлакли баҳор малаги,
Сени жуда кўргим келади.

Вақт туташди эшигимизда,
Соғинч қолган бешигимизда,
Мангу ишқ бор кўшигимизда,
Сени жуда кўргим келади.

МУҲАББАТ

Юракка боғланган туйғулар ширин,
Энтиккан диллару кайғулар ширин,
Кунлар кувиб ўтар аста бир-бирин,
Холис юракларга ёрсан муҳаббат.

Севгили кинолар кўраман бот-бот,
Умрим ўтиб борар, ўтмоқда ҳаёт,
Лекин юрагимда ўчмайди ҳайҳот,
Мен учун номусу орсан муҳаббат.

Сени яратаркан қайта ҳар бир дил,
Ҳаёт бўстонида умринг муттасил,
Қайғусиз, кулфатсиз ўтар қанча йил,
Сен мангуга, абад борсан муҳаббат.

ОТА ДУОСИ

Яхши ният, истак дилда,
Ўсиб унай десангиз-да.
Бу ҳаётда фарз деб бил-да,
Олгин ота дуосини.

Оталарни сийла жозиб,
Ҳар фарзандга эрур вожиб,
Бу дунёнинг иши ажиб,
Олгин ота дуосини.

Ҳаёт йўли узок, олис,
Кариганда қўйма ёлғиз,
Хизматини қилғил холис,
Олгин ота дуосини.

Ота рози худо рози,
Бу каломдир Оллоҳ сўзи,
Отанг этма сен норози,
Олгин ота дуосини.

Марҳабо чин сўзни айтар,
Олтин олмай дуо олар,
Фарзандидан насиб, қайтар,
Олар ота дуосини.



Худойбердиева Шахноза Эргашбоевна 1988 йил Тошкент вилояти, Бўка туманида тугилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 403-гуруҳ талабаси.

МЕН БИЛГАН

Мен билган биргина ҳақиқат имон,
Қолгани сафсата қолгани ёлғон.
Шу ростим имонга содиқ қолсам гар,
Бу ёлғон дунёнинг ёлғони ёлғон.

Мен билган ягона поклик юракдир,
Қолган сўз бекордир, қолгани эрмак.
Шу юрак пок бўлса, демак пок инсон,
Демаки покиза келажак авлод.

Мен билган ва кўрган гўзаллик кўнгил,
Қолгани ўткинчи, қолгани сароб.
Шу кўнгил синмаса гар доғ бўлмаса,
Бу дунё камини тўлдирувчи эл.

Мен севган қалъа бу Ватан шубҳасиз,
Қолгани эртақдир, қолгани эрмак.
Шу қалъа, шу кўргон омон бўлса бас,
Демакки эл бахтли демак юрт обод.

БАХТ

Эй дўстим дунёда бахтни йўқ дема,
Ер юзин айланиб чикма бахт излаб.
Билсанг бахт доимо сен билан бирга,
Сенинг борлигинг ҳам ким учундир бахт.

Кексалар юзида табассум бўлса,
Гўдакнинг кўзлари қувончдан кулса,
Уйинг тинч бўлса-ю, юртинг тинч бўлса,
Айтгинчи эй дўстим бахтмасми ўша.

Қаршингда Онангни мунис чехраси,
Қадамда қўлласа Отанг дуоси,
Сендан йирок бўлса ағёр игвоси,
Кулфатни дарс сенга бахтмасми ўша.

Юзингда табассум лабингда кулгу,
Сендан йироқ бўлар кулфату қайғу,
Қалбингда жўш урар ғайрат шижоат,
Айтгинчи эй дўстим бахтмасми бу.

Шуларни бахтлигин билсанг агар сен,
Билгинки энг бахтли инсон ўзингсан,
Бахтни теран англаб яшапсан гар сен,
Бахтларга кўмилган бой ҳам ўзингсан.

ИШҚ АСИРИ

Унинг “А”дек қад-комади,
Ақлу хушдан жудо этар.
Ҳар бокиши жисмим ёқар,
Яна боқса тамом этар.

Ана кошлар жон олгани,
Ёйлар тортиб турибдилар.
Жоду кўзлар ростим бўлмас,
Чекардиё бокиб турар.

Гунча лаблар кулмайдилар,
Наҳот азоб ичра азоб.
Мен асирнинг жони битта,
Ўлдиргани шунча жаллод.

ОТАЖОНИМ СИЗСИЗ – МЕНИНГ ДАВЛАТИМ

Сиз бошимда нур сочувчи офтобим,
Кулфат келса қўллагувчи қувватим,
Қадри баланд ширин сўз беминнатим,
Отажоним сиз-сиз менинг давлатим.

Сиз бор менинг айтинг нима камим бор,
Не ташвишим, не армоним ғамим бор,
Гар бўлса ҳам мана шулар биттаси,
Сиздек дуо қилиб аритгувчим йўқ.

Гоҳо алам кўзларимни тўлдирар,
Дўст билганим гоҳо кўнглим қолдирар,
Кулиб айтган сизнинг битта сўзингиз,
Дил яйратиб кўзларимни кулдирар.

Шодлигу ғам бу тақдирнинг немати,
Келиб кетмоқ бу ҳаётнинг ҳикмати,
Оғир кунда суюнчиқ беминнатим,
Отажоним сиз-сиз менинг давлатим.



Бобоназарова Соҳиба Абдушариповна – 1989 йил Хоразм вилояти, Янгиариқ туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 403-гурух талабаси. Навоий номли давлат стипендияси соҳибаси.

ИСТАМАСМАН

Истамасман бировнинг ёзганини ёзишни,
Токи ўзганинг сўзи вафо қилмас ҳеч менга.
Истамасман бировнинг ёзганини ёзишни,
Фақат ўзимнинг сўзим бўлсин ҳамроҳ қалбимга.

Истамасман бировнинг деганини дейишни,
Тўтикушдек бир сўзга қайта урғу беришни.
Истамасман кимнингдир эргашиб орқасидан,
Кунгабоқар мисоли ҳар томонга эгилишни.

Истамасман бировнинг кулгусидай кулишни,
Ўзганинг ёт кулгуси ярашмайди чехрамга.
Истамасман ўзгалар юрган йўлдан юришни,
Ҳаётман-ки ҳақлиман ўз йўлимни топишга.

ГУЛЛОЛА

Жондан севган ёримни,
Жондан севган ёри бор.
Куйлаётган торимни,
Кўпдан қолган зарби бор.

Гуллолажон, гуллола,
Кўнглимда бор бир нола,
Мени севган йигитим,
Ўзга қизга парвона.

Жондан севган ёримни,
Жондан севган ёри бор.

Шу севган ёри унинг,
Йўлларига интизор.

Гуллолажон, гуллола,
Олиб кетгин, тоғ— тошга.
Шу севгимга етмасам,
Керак эмас ёр бошка.

Жондан севган ёримни,
Юрагида дарди бор.
Баланд тоғни виқорли,
Босган каби оппоқ қор.

Гуллолажон, гуллола,
Мени бирга олиб кет.
Шу севгимга етмасам,
Майли қирга айланай.

Қирдек бўлгум поёндоз,
Севган ёрим пойига.
Майли етсин у факаг,
Севган ўшал ойига.

* * *

Овозингнинг майин сеҳрини,
Олиб келди билмам қай сабо.
Эгалладинг қалбим меҳрини,
Эгаллаган каби соф ҳаво.

Айтолмайман дилимда борин,
Ёмғир мисол йиғлаб, тўкилиб.
Сақлағайман дўстликнинг ўрнин,
Дўст мисоли сенга юкуниб.

Юрагингда ўзга севги бор,
Мен сен учун бир дўст, суҳбатдош.
Кетдинг-ку ёр қилиб интизор,
Мен қилолсам барига бардош.

Овозингнинг жаранги ўчди,
Қулоғимнинг остидан, аммо
У мангуга кўнғилга кўчди,
Жаранглар у қалбда доимо.

Тунларим беором кўзда уйку йўқ,
Ухласам тушимда бўласан пайдо.
Нигоҳинг қалбимга қаратилган ўқ,
Мен сенга...
Мен сенга...
Чин дилдан шайдо!

Хаёлимга чирмашган севгим,
Тушларимга кирасан ҳар тун.
Ишонаман тугаб бу фироқ,
Албат келар висол бир куни!



Хайдарова Моҳигул Тўймуродовна – 1990 йилда Бухоро вилояти, Пешку туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 402-гурух талабаси.

ЎЗБЕКГИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Хурдек малак мисоли,
Жилваланар ўзлари.
Атлас кўйлак камалак,
Кийишади қизлари.

Сўзлашади булбулдай,
Киприги жон олгали.
Бир қарашда мавҳ этгай,
Жоду кўзли қизлари.

Доноликда Робия,
Яхшиликдир ишлари.
Сиз Кумушсиз, сиз Раъно,
Бугунимнинг қизлари.

Хусну ҳаё, малоҳат,
Мужассамдир ул бари.
Сиздан олай мен ибрат,
Ўзбегимнинг қизлари.

ТУН

Тун бўлди. Борликка сокинлик ҳоким,
Уфққа туташгандир улкан дарахтлар.
Тўлин ой, дарахтлар сўйлар бетиним,
Қўшиқлар айтади водий, далалар.

Кундузи тинмаган жонсарақ кушлар,
Тунда ором олар, кўриб ширин туш.
Самода жимирлаб юлдузлар учар,
Шитирлаб япроқлар айлайди хониш.

О,бунчалар сеҳрли бўлмаса бу он,
Ошиқ кўнгил ҳар дам қувончга тўлар.
Ҳам дамнинг кадрига етгин, эй инсон,
Ҳаёт бизга фақат бир бор берилар.

ОНАЖОН

Митти бир вужудни асраб дилида,
Авайлаб ўстирар қилар чин инсон.
Фақат яхшилиқлар бордир кўнгилда,
Омон бўлинг доим суюқ онажон.

Оёғи остида аслида жаннат,
У бор файзли эрур ҳар бир хонадон.
Сўзлаган сўзлари олтиндан қиммат,
Ҳаётим мазмуни азиз онажон.

Гўдак ором олар эшитиб алла,
Қўшиқ оҳангидан лол қолар жаҳон.
Бунчалар сеҳрлидир бу ажиб нола,
Қалбимнинг садоси гавҳар онажон.

Фарзандига фидо бу азиз жони,
Сиз гўё офтобсиз, энг тоза иймон.
Бахшида этардим бўлса имкони,
Бутун борлиғимни сизга онажон.

ОНА ТИЛИМ

Тилим сен буюксан, қудратлидирсан,
Қалбдаги сўзимнинг бунёдкорисан.
Халқимнинг ифтихор, номус орисан,
Сен менинг жонажон, она тилимсан.

Сенда ижод қилди ҳазрат Навоий,
Мирзо Бобур битди “Бобуонома” син.
Минг бир жафоларни тортди Қодирий,
Дунё кўп тинглади Чўлпон ноласин.

Ўзбекнинг саноксиз орзу-армони,
Нодир китобларнинг зарварағида.
Келажак ҳаётнинг ёруғ имкони,
Онажон тилгинам мужассам сенда.



*Бўтанов Равшан Акбаралиевич – 1987 йил Тошкент вилояти,
Куйичирчиқ туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ
“Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 306-гуруҳ талабаси.*

Кўзларингда хадикни кўрдим,
Аммо айта олмас бу қора кўзлар.
Ғамгин маюсгина боқарди менга,
Суратдан чиқолмай хаёлан сўзлар.

Севасанми жоним, сени севаман,
Лекин айтолмадим жисму жонингга.
Фақат қалам билан ошкор эта олдим,
Сўз билан севганим айта олмадим.

Ўрнингни боса олмас ҳеч ким,
Йўлларингда сени кўзинг бўзладим.
Суратингга тикилиб ўтиргунча жим,
Кўзинг билан мени кўзим сўзларди.

Сунбул сочингни силар эканман,
Ғунча лабингдан бўса оламан.
Муздек кўз ёшим танамга томим,
Ширин уйқумдан уйғониб кетаман.

Биламан сен ҳам мени севасан,
Юрагингда бордир қанча дард-алам.
Сўз билан бартараф эта олмасамда,
То ҳаёт эканман ёзади қалам.
Ва фақат жонгинам сени севаман.

Кўзларингга термулиб кўзларимни узолмайман,
Суратингга тикилиб сен ҳақингга ўйлайман,
Юрагингга қандай дард борлигин билолмайман,
Жоним азизам деб сени эркалатолмайман.

Сени учратган кунимдан ҳаловатим бузилди,
Йўлларингга кўзларим маржон бўлиб тизилди,
Шу туфайли юрагим ўз ўрнидан силжиди,
Сени ўйлаб куну тун сочимга оқ чизилди.

Кўксимда дардларим очилиб қолди,
Юракка тикондек санчилиб қолди,
Наҳот энди мени унутиб қўйдинг -
Милтираб кўзларим ўйланиб қолди.

Сенсиз ўтган тунларим ўтар беҳуда,
Кўринмас нигоҳинг ойнинг юзида,
Сўрайман номингни сирли тунлардан
Садо чикай демайди аммо улардан.

Сени чин юракдан севаман ишон,
Бун дунёларга этай намоён,
Майли дунё олсин менинг бошимни,
Сени севишдан ҳеч ҳам қайтмайман.

Майли мен сен учун бўлай бевафо,
Севги йўлида бўлсам ҳам гадо,
Чин севгимни топтама илтимос сендан
Ой рухсорингни кўришдан этмагин жудо.

Бетакрор хушбўй атиргул уфори,
Ёқимли ҳидингни эслатар энди,
Гарчи чарчаса юрагимнинг мадори,
Қайта-қайта айтар сенинг исмингни.

Чин муҳаббатимга бўлма бегона,
Ёш кўнглингни кўчага этма девона,
Келгин биз ҳам бўлайлик бахтли оила,
Мен сен билан бахтлиман Ноила.



Шоимов Фурқат Илҳомович – 1989 йил Навоий вилояти, Хатирчи туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 306-гурӯҳ талабаси.

Севдим сени Рухшона,
Севгиндан бер нишона.
Ғариб кулбам айланиб,
Бўлиб колсин кошона.

Менга қиё бокмайсиз,
Билмам кимга муштоксиз,
Дилингизга бу чўғни –
Ўзга солиб қўйганми.

Мен нима ҳам килардим,
Бир бор қиё бокмассиз.
Ўйлаб бағрим тилардим,
Ўзга дилга ёқмассиз.

Қайда бўлсанг ҳам эй ёр,
Бўлиб юргин сен омон.
Лекин зинҳор унутма,
Сени севаман ҳамон.

Айбим сени севганим,
Бўлдим ўзим гуноҳкор.
Тез-тез урар юрагим,
Сенга тушганда қўзим.

Энди мени жазола,
Ўлдирсанг ҳам майлига.
Ўхшамадик нечун биз,
Мажнун ила Лайлига.

Қайгу солма йигит бошига,
Зор бўлмасин санам қошига,
Арзимади дунё ташвиши -
Кўзларидан окқан ёшига.

Мард йигитга омад ёр бўлсин,
Ҳасад қилган доим хор бўлсин.

Қизлар бунча бағритош бўлманг,
Йигитларни устидан кулманг,
Имконият берса сизларга -
Сочларини битталаб юлманг.

Мард йигитга омад ёр бўлсин,
Ҳасад қилган доим хор бўлсин.

Ҳаёт бунча бўлма бешавқат,
Азобларни бермагин фақат,
Ундамагин севгига мени -
Севишга ҳеч қилмайман тоқат.

Мард йигитга омад ёр бўлсин,
Ҳасад қилган доим хор бўлсин.

Ошиқларинг бор юзлаб,
Юрар васлингни кўзлаб,
Улар сенга парвона -
Мен биттаман ягона.

Ўхшамайман уларга,
Сен ўхшайсан гулларга,
Бир қараб кулганинга -
Ўт ёқасан дилларга.

Қайда колди меҳр-у оқибат,
Одамлар ҳам билмайди фақат,
Эслатади сизларга буни -
Содда қилиб Шойимов Фурқат.

Одам дўсти, одам бўлади,
Хато қилсак шайтон кулади,
Бўлсак агар самимий инсон -
Шайтоннинг ҳам шашти сўлади.

Шайтон иши йўлдан уришдир,
Ёлгонлардан сарой куришдир.

Ақли узун қизлар қолмади,
Насихатни нега олмади,
Сочи узун бўлсада улар -
Юракка бир туйғу солмади.

У қизларнинг ақли паст,
Шу сабабдан дилим ғаш.
Бу сўзлардан ранжиманг -
Ёлгон эмасдир бу рост.

Исботлайин мен бунни,
Билиб қўйинглар шуни,
Эркалигин қўймайди -
Совчилар келган куни.

Мен шоир эмасман,
Қаламим ҳам йўқ.
Шоирларда қолган,
Аламим ҳам йўқ.

Шоир эмасману лек,
Ёзаман шеърлар.
Дардим билмас кишилар,
Девона дерлар.



Қайумова Нилуфар – 1990 йилда Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 305-курс талабаси.

ҚАЛБИМ ДУНЁСИ

Севгини хўп таърифлашар одамлар,
Айрилиқлар, хижрон, висол аламлар...
Момоларим ўйлаб босган кадамлар,
Биз севгини шу излар деб тушундик.

Ишқ дегани кўз ўнгингни тўсаркан,
Гул тагида гул кўчати ўсаркан,
Момо нега юзларингиз кизарган?
Биз севгини шу юзлар деб тушундик.

Бу дунёга не гўзаллар келмишлар,
Вафо экиб вафосини термишлар,
Саидалар, Зулфиялар, Кумушлар,
Биз севгини шу кизлар деб тушундик.

Қалбим-дунё, қалбим эмас дарвоза,
Ишқим пинҳон, ишқим эмас овоза,
Мухаббатим бор покиза, бир тоза,
Биз севгини шу ҳислар деб тушундик.

ЭНДИ ТУШУНЯПМАН...

Мархум кўшнимизни эслайман бот-бот,
Ўрик экиб кетган девор ёнига.
Ҳар кўклам бу дарахт каттакон, ҳайҳот,
Айланар кўчанинг меҳрибонига.

Энди тушуняпман улуг асарни,
Намоён бўлмоқда асл ақида –
Елкага олиш —чун шум болаларни,
У қайтиб келаркан ўрик шаклига.

САБЗАВОТЛАР ДЎСТ БЎЛДИ

Бир куни кенг оморда
Сабзавотлар сўз олди.
Энг биринчи картошка,
Шундай гапни деб қолди:

Кўп жойларда қадрим бор,
Тотувлик не биламан.
Шу боисдан ҳаммага,
Дўстлик таклиф қиламан.
Иноқликка не етсин,
Бўлса яхшиликда лафзи.
Картошканинг гапини,
Маъкуллаб қўйди сабзи.
Мендан ажиб дўст чиқар,
Вужудим тарам-тарам.
Ҳаммага содиқ бўлай,
Сўз бўлиб деди карам.
Пийёз айтди мени ким,
Билмаса касал бўлар.
Гарчанд жуда аччиқман,
Дўстлигим асал бўлар.
Шу алпозда бу суҳбат,
Бошланганди азонда.
Аҳдга кўра ҳаммаси,
Дўст бўлишди қозонда.

Шўх кулгининг кўйида ёндим,
Ғамларимдан тунга бераман.
Бахт кулса ҳам йиглаб юбордим,
Мен йиглашни яхши кўраман.

Енгил нигоҳ барча кўзларда,
Оғир ёшлар оқмайди равон.
Ўйларимни туман қопласа,
Кўринмайди хаёлий қарвон.

Мавжланади икки анҳорим,
Киприкларим бўлади гиёҳ.
Мен кўнғлимни таржима қилсам,
Қорачиғдан оқади сиёҳ.

Йўлларимни пойлайди ғамгин,
Қувончлардан аҳвол сўраман.
Кулгичларим ярашса ҳамки,
Мен йиглашни яхши кўраман.

Нигоҳимда отамнинг акси,
Қарашлари руҳим тиргаги.
Вужудимда, ҳар бир томирда,
Садо бериб турар юраги.

Насихати доим ёдимда,
Ҳеч бир ишда шошма, югурма.
Отам қўлларига карасам,
Бармоқларим бўлар йигирма.

Менинг согинч соҳилларимдан,
Оқиб турар икки қалб сеҳри.
Мен отамга ўхшаганим-чун,
Бошқачадир онамнинг меҳри.

Саволлар кўзимда оловланади,
Кўз ёшим – нигоҳим отган тугунлар.
Яримта юракни бўлгиси келар,
Жигари бутунлар, бағри бутунлар.

Хаёлга чамбарак ясаб берибман,
Вақт ўтгач бошидан тушди, тўкилди.
Болаликнинг шодон беланчақларин,
Чорбогимга оссам, чоки сўкилди.

Сўроқлар ундовни четлатаверади,
Жавоблар нўноқдир, саволлар пухта.
Дунёни бошимга чақириб қўйиб,
Ҳаётимни босиб кетди уч нукта.

Саволлар сўқмоқлар солди йўлимга,
Яримта юракда тентираб толдим.
“Ерда кун кўришни билмаган дилман”,
Ўзимга самодан йўл очиб олдим.

Кўзларимда илинж яшайди,
Киприқларим дарддан қайрилган.
Ҳисларимни фироқ ошайди,
Қорачигим ёшдан айрилган.

Тополмадим синглим севинчни,
Узилмишдир қўлда бахт тумор.
Алдаяпман зўрға овунчни,
Табассумга лаблар интизор.

Мен тилимни қамам тишларда,
Юзгинамдан ирмоқ жой олган.
Ҳикмат борки бу жўн ишларда,
Иягимда чуқурча колган.

Қулоғимда соғинч балдоғи,
Бардошгинам бошда дўппидек.
Келарми бу кунлар адоғи,
Насибми бир бахтни ўпгулик.



Ҳамроева Ҳамида Низомовна – 1991 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган. Низомий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 301-гуруҳ талабаси.

ШЕЪРИЯТ

Қалбим аламдадур, юрак титроқда,
Баъзан дунёларга сигмай қоламан.
Чорасиз қоламан излайман нажот,
Шунда қаламимни қўлга оламан.

Улдир Усмон қалбин йиғлатган кайғу,
Чўлпон мисрасида янграган туйғу.
Ҳамидини излаб хатто Зулфия,
Қаламин қўлига олган эди у.

Шоирликда асло қилмасман даъво,
Шоирлик мен учун оддий бир ҳавас.
Қаламим олсаму қалбим дардини,
Ана шу қоғозга туширолсам бас.

КЕТСАНГ

Кетсанг муҳаббатинг олиб кет майли,
Олиб кет азобга тўлган дилимни.
Алвидо дегину пок севгимизга,
Сўнг майли унутгин менинг йўлимни.

Кетсанг юрагимни юлиб кет майли,
Юракни нетаман сенсиз танамда.
Исмингни ардоқлаб ёзгандим унга,
Энди пок номингни асрай жонимда.

Кетсанг ҳеч ортингга қарама, қўйгин,
Бокмадинг деб сендан қилмасман гина.
Охирги ўтинчим куйган жонимга,
Меҳрингдан ташлаб кет хўпми озгина.

ФАҚАТ СИЗ ИШОНИНГ ОНА

Ҳаёт зарбасига дуч келиб ногоҳ,
Дунёларга сиғмай кетаман она.
Дўстим фитнасидан чекканимда оҳ,
Айтинг мен нетаман, нетаман она.

Гоҳ йўлларда кезиб ночор-у сарсон,
Аччик аламларни ютаман она.
Келмаслигин билиб турсамда ҳар он,
Отамни кутаман, кутаман она.

Ишонганим сизсиз, суянганим сиз,
Дунёда топганим бир донам она.
Сизнинг ишончингиз менинг қанотим,
Топганим, топганим яғонам она.

ЙИГИТЛАР

Сулувлар тушига кириб ҳар кеча,
Бедор ўтказганлар тунларни кеча,
Ёри учун барча тўсиқни еча,
Шижоат майдони марди йигитлар,
Қизларнинг энг ширин дарди йигитлар.
Ватан деб жонини фидо қиларлар,
Ватан бурчин доим буюк биларлар,
Юртига, халқига бахтлар тиларлар,
Шижоат майдони марди йигитлар,
Юртин ишонгани жасур йигитлар.

Ота-ю онасин ишонган тоғи,
Суянчиғи эрур кексайган чоғи,
Эртанги кунининг нурли чироғи,
Шижоат майдони марди йигитлар,
Ота-ю онасин қалби йигитлар.



Турдыева Мафтуна Абдурахмоновна – 1991 йилда Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 205-гуруҳ талабаси.

КУЗ ХАЁЛИ

Шу олтин фаслда лоларанг
Япрокка термулиб сени эсладим.
Сен қайда бўлмагин хаёлан,
Шу баргдан мунаввар тафтинг изладим.

Балки сен ёқда ҳам япроклар,
Олтин ранг, ол рангга киргандир.
Қўлингга тутганда уларни,
Кўзларингда мени кўргандир.

Шу дилбар фаслда шамоллар,
Элчидек саркашта кезадир.
Узоқда бир илинж борлигин,
Эҳтимол улар-да сезадир.

Майли бу насимлар сезсинлар,
Севгим бор қалбимда бир қанча.
Сенга етказишсин бу ҳақда,
Ахир орамизда масофа анча.

Шундай яшагин-ки, юлдуздай чакнаб,
Ҳар бир гўзал юрак сенга интилсин.
Шундай яшагин-ки, оловдай порлаб,
Дунё у тафтингдан ҳарорат олсин.

Шундай яша, сенинг борлигинг сезсин,
Дўстларинг ҳар қадам мадад сўрасин.
Шундай яша, сирли торлигинг сезсин,
Кўнгиллар завқ олсин зебо куйингдан.

Яша хотирларда абадий қолиб,
Эсласа табассум инсин юзларга.
Яшагин, сатрларда гавҳардек ёниб,
Маъно бера олгин қаро кўзларга.

Гарчи кунлар совук бўлса-да,
Дил офтобда, музларда эмас.
Соғинтириб сал кечикса-да,
Баҳор биздан йироқда эмас.

Қорли тунлар ок бўлсалар ҳам,
Қўйнида у совук яширин.
Аёз қанча чимчиласа ҳам,
Баҳор бизга шивирлар сирин.

Елкасида тутиб қорларни,
Хўрсинади минг йиллик чинор.
— Чала қол, -деб, юрак торларни,
Тебранади: “Кела қол, баҳор!”

Қуёш ҳам секин мўралаб,
Бизга юз кўрсатар наҳордан
Кучмоққа шайланиб ер юзин,
Мададлар сўрайди баҳордан.

Мудраган гиёҳлар сесканиб,
Уйғонар қушларнинг созидан.
Музлаган ирмоқлар силтаниб,
Қутулар музларнинг сўзидан.

Тағин очилади гулу сафсарлар,
Нафис бўйларини сочиб сахарлар.
Шу зумрад фаслдек то абад,
Қалбимиз маҳв этсин баҳорлар!

Тошқин дарё тошларидек,
Қаттик экан қўнглингиз.
Дарё тошни ювганидек,
Юва олармиканман?

Тошқин дарё тез окса,
Тошлар силжиб кетмасми.
Муҳаббатла ёнсам мен,
Кеклар эриб битмасми.

Тошқин дарё теграси,
Майсалар маконидир.
Тошдек каттик қалбингиз,
Ғурур тош кўрғонидир.

Тошқин дарё сувлари,
Майсаларга жон берар.
Тошдан ортиқ кўнглингиз,
Ғамдан бошқа не берар?

Тошқин дарё сувлари,
Ҳеч қачон лойқа бўлмас.
Юраги метин одам,
Ишқнинг қадрини билмас.

Тошқин дарё сувида,
Киши аксини кўрғай.
Тошюракли кишидан,
Ким қандайин наф кўрғай?

Тошқин дарё тошиши,
Боғу роғларга фойда.
Тошқалбларнинг тош иши,
Оловдилларга хайф-да.

Тошқин дарё тошиб-тошиб,
Оқар кир, водийларга.
Тошқўнгиллар қотиб-қотиб,
Борар қайси манзилга?
Тошқинлик дарёга хос,
Ҳам хос инсон қалбига.
Тошиб оқар ишқ дилда,
Ўт бўлса гар юракда.

Тошдек қилманг дилни сиз,
Ахир увол эмасми.
Зилдай оғир юракни,
Олиб юриш керакми?



Бобоқулова Шоḡсанам Комил қизи – 1991 йилда Навоий вилояти, Нурота туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 205-гуруҳ талабаси.

ҚИСМАТ

Аслида киз бола меҳмон бўларкан,
Балоғатга етиб мезбон бўларкан,
Янги хонадонга ўргангунича,
Анча вақтлар кўнгил вайрон бўларкан.

Отамнинг сўзини икки қилмай деб,
Онамнинг бахтини кемтик қилмай деб,
Кимнингдир орзуси ва бахти учун,
Ҳаётда кўп бора қурбон бўларкан.

Асрлар ўтса-да, йиллар ўтса-да,
Тирик жон дунёда қуриб битсада,
Ёлғиз одам, кизлар, дунёда қолиб,
Ҳаётни гуллатган гулшан бўларкан.

Дунёда киёмат бошланганда ҳам,
Одамлар махлуққа айланганда ҳам,
Қиз бола ўзининг киёфасида
Меҳрибон, оккўнгил инсон бўларкан.

ТАҚДИР

Яшадим умримда шодликлар кўрдим,
Хатоликлар кўрдим, ҳақликлар кўрдим,
Мен-ку бой яшадим, баъзи бировда,
Ночорликлар кўрдим, йўқликлар кўрдим.

Гар қийин аҳволда қолса ҳам инсон,
Умр, тақдир экан деб яшайверади.
Эй инсон, ким учун бўлдинг сен қурбон,
Текин бер ҳамма ҳам ошайверади.

Шу қора кўзлари чакнаган ўғлинг,
Ҳаётни гўзал деб тасвирлай олсин.
Ё нафис идишдай бокира кизинг,
Бахт ва шодликларга тўйиб яшолсин.

Бунинг учун ойнинг серташвиш бўлган,
Қоронгу ўн бешин дадил босиб ўт.
Омадинг келади, шунда орқада,
Қолиб кетган ғамли кунларни унут.

Инсон яшайвергин истаганингча,
Баъзан кулиб яша, баъзида йиғлаб.
Шоҳсанам ноҳақдир доим сенингча,
Лек қалбинг эшитгин бир бора тинглаб.

ЮРТ СОҒИНЧИ

Инсон ўз юртидан узоклашганда,
Қалбда соғинч деган ҳисни туяркан.
Ўзга юрт тоғидан она юртининг,
Бир дона тошини устун қўяркан.

Кўхна Нуротанинг азиз кишлоғи,
Жуда чиройлисан, танҳо тенгсизсан.
Ҳозир ўз бағрингда фақат бир менга,
Устимда кўйлаксан, аммо енгсизсан.
Кўшним неқсияси ва қошонаси,
Бор деб ҳавас қилиб, кўшним тўқ дедим.
Лекин энди вайрон кулбам хонаси,
Ва бир эшагимдан зўри йўқ дедим!

КЕЛАЖАК

Ғунчалар бағрида эркаланар у,
Эрта тонг лабида шудринг бўлажак.
Олов юракларда яшаган орзу,
Узоқдан чорлайди масрур келажак!

Мудроқ кўнгиллар ҳам у билан уйғоқ,
Оппоқ орзуларга албат тўлажак.
Ўтирма канча иш атрофингга боқ,
Чорлаб олға чопар порлоқ келажак!

Тонгда шамол бўлиб сочларинг силар,
Кўзларингга боқиб аксин кўражак.
Умид чироғида исмингни белар,
Ўтмиш хаёл сенга, олға келажак!

Митти юракларда улкан орзулар,
Армонга чап бериб умид беражак.
Ниҳол улкан чинор томон талпинар,
Чунки бу келажак, улкан келажак!

Ўтмиш хаёл бунда, фақат олдинга,
Бунда барча тилак рўёб бўлажак.
Дунё, оёққа тур, гапим бор сенга:
“Ҳақиқатга яқин хаёл келажак!”



Эргашев Нурбек Умар ўгли 1991 йилда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 205-гуруҳ талабаси.

ОНАМ ЙЎҚЛИГИНГИЗ БИЛИНДИ БУГУН

Йиғлайман кўзимда кўринмас ҳеч ёш,
Бағримни куйдирар аччиқ қора тош,
Тополмай колдим-ку ёлғиз бир сирдош,
Онам йўқлигингиз билинди бугун.

Душманам ортимдан пинҳона кулар,
Дўстларим ёнимдан бирма-бир кетар,
Суйганим азобдан кун-у тун йиғлар,
Онам йўқлигингиз билинди бугун

“Етим” деб ҳақорат қилсалар биров,
Тишимни-тишимга қўйиб чидадим.
Нафратим юракда кўзимда олов,
Онам йўқлигингиз билинди бугун

Сизсиз бу дунёда маъно йўқ экан,
Сизсиз бу қаламда садо йўқ экан,
Жаннат оёғингиз остида бўлсун,
Онам йўқлигингиз билинди бугун

Соғинч соҳилида ёлғиз кезарман,
Барча азобларим ичга ютарман,
Исмингиз асрарман юрак тубида,
Онам йўқлигингиз билинди бугун

Сўзингиз ўхшатдим кордек мулойим,
Ўзингиз ўхшатдим оппоқ гулойим,
Менга сабр берсин Оллоҳ илойим,
Онам йўқлигингиз билинди бугун
Онам йўқлигингиз сезилди бугун.

ОТАЖОН

Машаққатли ҳаёт зарбидан,
Нурли кафти қадок бир инсон.
Рўзғор ила фарзанд дардидан,
Ўзни унут қилган отажон.

Ҳаёт дея аталмиш боғга,
Умри бўйи ниҳол қадаган.
Парваришлаб, эркалаб, суйиб,
Роҳат гаштин туйган отажон.

Отажоним, пушти паноҳим,
Оллоҳ менга берган инъомим.
Орзулари осмон инсоним,
Адашганда мадад маёғим.

Эшитгандим онамдан сизни,
Дилдан роса хурсанд бўлибсиз.
Мен туғилиб келган шу кунни,
Дўстлар билан базм айлабсиз.

Фарзанд кўриб дилдан қувониб,
Бахт майидан масрур тўлғониб,
Эл ичида иззатда бўлиб,
Бағрини кенг керган отажон.

СОҒИНЧ

Бир юрт наволарин оламан тилга,
Ширин наволарин соламан куйга,
Эсласам юрагим ҳапкириб кетар,
Самарқандни жуда соғиндим дўстлар.

Темурбек бобомнинг хокини ўпиб,
Йиғлайман Улуғбек қабрини кучиб,
Кўзларимдан соғинч ёшлари учиб,
Дўстилар Самарқандни жуда соғиндим.

Чанг-тўзон кўтарган эски бир кишлок,
Эслатар барзанги болалигимни.
Хотира китобин варақлаб шу чок,
Дўстлар Самарқандни жуда соғиндим.
Кўплаб тарихларга гувоҳ бу диёр,
Гувоҳдир Бибихоним, шоҳи Зиндалар.
Айтинглар бундай юрт яна қайда бор,
Дўстлар Самарқандни жуда соғиндим.

ЎЗГАНИ ЎЗИНГДЕК СЕВА ОЛМАДИМ

Муҳаббат боғининг райҳони эдинг,
Зулмат кўчаларда порловчи чирок.
Ошуфта қалбларнинг дармони эдинг,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Фариштам, гўзалим, нурли юзлигим,
Юлдузлар қаридан топган офтобим.
Шодумон кунларнинг ёлғиз умиди,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Ҳар ким ҳам бахтига етавермаскан,
Ҳар бир ошиқда бор айрилиқ ўти,
Соғинчинг юракдан кетавермаскан,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Бир пайтлар қизғониб ҳатто қушлардан,
Жамолинг “ғаними” ой қуёшлардан.
Энди васлинг излай қайси қизлардан,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Юрак бўйсунмайди ақлга гўё,
Талпиниб қафасдан чиқмоқ истайди.
Унга ер юзи тор, тордир кенг само,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Нечун юз ўгирдинг мендан юлдузим,
Кимларга ишондинг, кимлардан қондинг.
Кимларни ўзингга ҳамроҳ деб билдинг,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Ошиқлар йиғлайди, ошиқ йиғлайди,
Муҳаббатга гувоҳ тоғлар йиғлайди.
Ларзага келтириб боғлар йиғлайди,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.

Мен ҳам йиғлапман тоғмас ва лек,
Бир дарди оламга дoston ошиқдек.
Соғинсак бир бора куча олмадик,
Ўзгани ўзингдек сева олмадим.



*Нормуродова Шаҳноз Эркиновна - 1992-йил Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ
“Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 203-гуруҳ талабаси.*

ДИЛ ОҒРИҒИ

Бир оғиз ширин сўз жонгадир дармон,
Инсонлар кўнглида қолдирманг армон.
Юракни ўртайди бир алам ҳамон,
Юрагимда аччиқ алам бор ёмон.

Кўнгил қолмоқликдан ёмони йўқдир,
Ёмон сўз юракка санчилган ўқдир.
Атрофда яхши бор, лек ёмон кўпдир,
Юрагимда аччиқ алам бор ҳамон.

Шувиллаб ўтади бу узун йиллар.
Ҳаётда дуч келар турфа хил йўллар,
Мени хали Худонинг ўзи ҳам қўллар
Юрагида аччиқ алам бор ёмон.

СОҒИНДИМ

Олисдасиз соғинган дамдир,
Талпинаман, етолмайман ҳеч.
Сизни ўйлаб, ҳар бир кадамдир,
Куним бўлар шу зайлда кеч.

Тун қўйнида айтган аллалар,
Менинг қалбим этар эди шод.
Бугун эса қувноқ яллалар,
Соғингандан юрак дейди: “Дод”!
Мушток бўлар дийдорга кўзлар,
Кутар мени олисда онам.
Кўришганда қизарар юзлар,
“Келдингми, - дер – кизим, жон болам”.

Сизни жуда соғиндим онам,
Сизсиз ҳаёт кувонч татимас.
Сизнинг билан тўлади хонам,
Сизсиз менга ҳаёт ҳам бўлмас.
Сизни жуда соғиндим онам...

МЕН ТУГИЛГАН ЮРТ

Мен туғилдим кўҳна заминда,
Тарих билан яшайди ўлкам.
Чирой очиб ҳурдай кун гулгун
Бўлиб борар бағоят кўркам.

Ариғида оқар зилол сув,
Осмони кўк, мусаффо ёғду.
Юртга келган ҳар бир меҳмонни,
Сехрлайди қандайдир жоду.

Кўли очик, беминнат халкни,
Ризки доим меҳнат билан бут.
Мен туғилган ана шу диёр,
Келажакда бўлар буюк юрт.

Даласида унар ғўзаси,
Ипак курти, ипак толаси,
Машҳур килар ўзга элларга,
Ўз бағрида унган боласи.

Мен туғилган ана шу диёр,
Ўзга элдан бўлмайди ҳеч кам.
Барқарордир доимо хуш дам,
Қолишмайди, қолишмас ҳеч ҳам.

КУЛДИНГИЗ

Устимдан қулдингиз, сездирмай секин,
Юрагим, лек буни пайқади дарров.
Ўзингизни тутиб, хотиржам эркин
Сезмадим дейсиз, бир қараб, биров.

Ғояларим мақтаб, қуласиз аста,
Ортимдан отасиз маломат тошлар.
Кўнгилни айламанг бунчалик ...
Бир кун Худо сизни кўзингиз ёшлар.

Менинг тилагим, фақат Худодан,
Ундан бошқасига кўнглим бўлмайди.
Ҳар не келса агар, турфа балодан,
Худо бизни ҳеч ҳам ёлғиз қўймайди.

АЛДАМА

Яна ўша эски синовлар,
Бошгинамни қийнайди такрор.
Кулиб ўтар баъзи бировлар,
Сизда борми, асли номус, ор?!

Ҳаёт, севги ўйинчоқ эмас,
Турли қўйга солиб қўйишга.
Чин севганлар ўзгани демас,
Мушток бўлар бир бор кўришга.

Қийнаб ўзни ва бизни бирга,
Не керак бор алдаб юришлар.
Даркормиди бу иши дилга,
Ҳеч сабабсиз, пинҳон урушлар.

Менку сизни умрим сўнгунча,
Доим қалбдан, дилдан севаман.
Сизни хиёнатсиз кўргунча,
Майли, жоним ёлғиз ўтаман.



*Ашурова Хурида Нуралиевна 1989 йил Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ
“Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 203-гуруҳ талабаси.*

УМР

Умр якунсиз азобдай,
Етиб бўлмас саробдай,
Оҳ, қийналар танда жон,
Сенсиз ҳолим харобдай.

Исёндадир, тинмас руҳ,
Сени излаб борар у.
Оҳ, кемирар бир туйғу,
Сармаст бўлган аклимни.

Умрдаги гул мазмун,
Сени англаб етмоқдир.
Жон фидо деб жонигга,
Сенга сингиб кетмоқдир.

Англаганим шу ҳикмат:
Бор-йўқлигим у билан.
Қиёссиз, энг олий бахт –
Шуурида унган Ватан!

КУЛГИНГ БУЛСАМ...

Кулгинг бўлсам лабингдаги,
Исён бўлсам калбингдаги,
Дардинг бўлсам дардингдаги,
Менга шу бахт, ёниб кетсам...
Бахт лабингда тиниб кетсам...

Жоним десанг, жонинг бўлсам,
Орим десанг, оринг бўлсам,
Борим десанг, боринг бўлсам,
Менга шу бахт, ёниб кетсам...
Бахт қалбингда тиниб кетсам...

Сафолардан асраб юрсанг,
Хатолардан асраб юрсанг,
Сазолардан асраб юрсанг,
Менга шу бахт, ёниб кетсам...
Бахт дардингда тиниб кетсам...

Эгалласанг қайсар кўнглим,
Ўзинг бўлсанг туш-у ўнгим,
Мени бахтга элтган ўлим,
Рухим-ла ўт солиб кетсам...
Ўзлигингда қолиб кетсам!

МЕН СЕНИ...

Мен сени топаман...
Қўрқма, ўқинма.
Ҳижрон бизни топмасдан туриб,
Мен сени топаман, гумон қилма!

Хастаман, дармоним – сен,
Қўзларим мадори – осмоним – сен,
Сен, сен, додим, фиғоним – сен,
Сен – мен.
Мен сени топаман...

Ранжима, юракда титроқ,
Йиғлама, руҳим безовта,
Йиғлама, жоним оғрийди,
Мен сен-ла бахтлиман.
Мен сени топаман...

Бахтим!
Сени шундай атай.
Юракнинг сенга атагани – шу.
Сен – унга бахт,
Сен – унга кайғу.

Мени англа –
Ишқ борлигимда:
Сени севган озод рух.
Унинг истаги – танҳо сен,
Сен эса сўнгсиз бахт...
Мен сени топаман!

ЮГУРСАМ...

Югурсам, етолмасанг,
Аммо хўп қувлайверсанг.
Ишқ бўлиб бор-у йўғинг,
Ўлгунча ўйлайверсанг.

Югурсам, етолмасанг,
Акл нохуш, танда жон йўқ.
Қўнглингдан кечолмасанг,
Дилда ишқ, лек имкон йўқ.

Югурсам, етолмасанг,
То абад девонадек.
Ох, ишқим куйдирса хўп,
Ошиғи парвонадек.

Югурсам, етолмасанг,

Ўтмаса, олий хакам.
Аммо мен югурганда,
Сени сўнг бахтга элтсам...

ШАМОЛЛАРГА...

Шамолларга берма умримни,
Уни бахш эт, бахтга айлантир.
Бу дунёда кўрган кунимни,
Ҳеч дард билмас дардга айлантир.
Шамолларга берма умримни!



Пулатова Дилноза Ҳасановна 1991 йил Қашқадарё вилояти, Китоб туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 203-гуруҳ талабаси.

ЖАННАТМАКОНИМ

Боболардан қолган буюк меросим,
Ҳар қаричи олтинга тенг тупроғим,
Кўзим қарогида қалба ардоғим,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Ҳар шаҳри дурдайн терилган шода,
Дилга сеҳр улашар гўё шалола,
Қизларининг чеҳраси мисли гуллола,
Ўзбекистонимдир якка-ягона.

Нон шаҳрим, гул шаҳрим ҳам имон шаҳрим,
Тунлари кўнглидек зўр порлоқ шаҳрим,
Не-не шонли кунларга гувоҳ бу кентим,
Кўҳна ҳам навкирон гўзал Тошкентим.

Лазгисин эшитган ўйнамай қолмас,
Нечуксан десангиз “жолли” деб толмас,
Осмонўпар минорларга солинг бир разм -
Раккосалар ўлкаси асли Хоразм.

Абдуллеси бордир, бордир Темури,
Осмонларга ёрдир халқин ғурури,
Гул-бўстон яратди ўрнида саҳро -
Зукко ёшлар юрти бу-Қашқадарё.

Қизлар чиройидан нусха олган нони,
Дунёни лол айлаган бир Регистони,
Таърифига сўз топмай ҳаёлларим банд,
Шаркнинг дарвозаси кўҳна Самарқанд.

Шаҳарларин барчаси боғу-бўстондир,
Таърифин эшитган лол-у хайрондир,
Халким йўлбошчиси одил юртбошим -
Дунё нигоҳидаги жаннатмаконим.

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

Келажакнинг овози,
Бу ёшларнинг парвози,
Қувнок кўйлар шўҳ сози,
Бахтли эртанг навоси.

Истеъдоднинг ошкор эт,
Серқиррасан олмосдек,
Эзгуликни йўлдош эт,
Келажакнинг йўлида.
Интиланганга толеъ ёр,
Порлашинга имкон бор,
Фаол бўлсанг ҳаётда -
Келажак ҳам мазмундор.

Биз баркамол авлодмиз,
Илм-фанга ҳамроҳмиз,
Аждодларга муносиб -
Комил инсон бўлаемиз.

Келинг юрт эрталари,
Қўлни қўлга берайлик.
Камолот осмонида,
Баланд парвоз этайлик.
Жар солайлик атрофга,
Тинчлик бўлсин барқарор.
Меҳр нури тафтидан,
Диллар бўлсин шодумон.

ОРЗУ

Кўп нарсалар истайман,
Беш кунлик бу дунёдан.
Соғлик, илм-маърифат,
Давлат, мартаба, шуҳрат.

Истакнинг поёни йўқ,
Сўрсан-гу рўё бўлса.
Орзум мудом кўзларим,
Кувноқ кўзларни кўрса.

Табассумга йўғрилган,
Нигоҳларга тўйсайдим.
Муҳаббатдан порлаган,
Қароғларга тўйсайдим,

Севинчидан намланган,
Мунчок кўзларни кўрсам.
Орзуйим рўёбида,
Доим шодон яшардим.

ТЕНГДОШИНГМАН ИСТИҚЛОЛ

Истиқлолим йигирма ёшинг муборак,
Бошда хумо ўтли шонинг муборак,
Катта карвон йўлга чиққаним ўзинг -
Қуёш каби порлоқ эртанг муборак.

Кўхна ҳам навқирон ҳар гўшанг бўстон,
Алломалар юрти ўзингсан ишон,
Кўздаги бу ўтлар ҳурликдан нишон,
Оллоҳимга суюкли хур Ўзбекистон.

Бу қутлуғ ёшингда тенгдошинг ўзим,
Порлоқ келажанинг-чун сарф этай кучим,
Мадҳингни баралла кўйламай нечун,
Асл фарзандиман асл маконни,
Келажаги буюк Ўзбекистонни.

ГУНОҲЛАР ҚЎШИЛАР ГУНОҲЛАРИМГА

Қўпайишди бугун улар биттага,
Гуноҳлар устига гуноҳлар ёғди.
Қилганим бир хато ё парвардигор,
Олганим бўлди-ку виждон азоби.

Оғритиб қўйдимку бир мусулмоннинг,
Тонгдайин бокира тоза қўнглини.
Ҳеч қўрмаган эдим кулгичларини,
Бир бора кийганин ғамнинг тўнини.

Шеъримни шамолга айтдим етказар,
Афсус надоматлар чекаётганим.
Яна айтар балким, биродар сенга,
Пушаймонлик либосин кияётганим.
Гуноҳлар қўшилар гуноҳларимга...

УМР

Муסיқага ким ошно бўлмаган,
Демакки қўнглига кулоқ солмаган,
Садолар остида раксга тушмаган,
Кимсанинг ҳаёти бефайз ўтибди.

Ўқинганда тўйиб йиғлай олмаган,
Шунданми дардларин тўка олмаган,
Қувонсада дилдан кула олмаган,
Банданинг ҳаёти ғамдек ўтибди.

Ёшлиқда қийналиб илм олмаган,
Устоз ўғитига кулоқ осмаган,
Кимгадир содиқ дўст, ёр бўлолмаган,
Инсоннинг ҳаёти изсиз кетибди.

Дейдилар ҳаётда ҳар бир нарсанинг,
Оз ахамияти, ўз ўрни бордир.
Барчасига бирдай қилсанг ҳаракат -
Сенга оmod-у бахт, ҳам толеъ ёрдир.

БОРЛИГИМ БАҲОР

Чечакларинг пойимга сочиб,
Келдингми сен гўзалим баҳор.
Соғингандим қалбим тўридан,
Қўзда қулгу қувонч зўридан.

Ташрифингни сезмай қолибман,
Югур-югур ташвишлар билан.
Лекин энди меҳмон бўлинглар,
Қалдирғоч-у Наврўзой билан.

Тонгдаги соф шабнамни кўриб,
Титраб кетдим кўз ёшингми деб.
Англагач сал хотиржам бўлдим,
Билдим соғинч, кувонч ёшлигин.

Саҳар мунис юзларинг очиб,
Ифоринг сочасан бирам сурурли.
Пушти гулбаргларинг ҳавода ўйнар,
Саболаринг силар мургак новдани.

Дошқозонда ястаниб ётар,
Эркаланиб ноз-ла сумалак.
Бикирлашиб гўё сўз котар,
Сўрангиз деб орзу-ю тилак.
Жамалаксоч дилбар кизчалар,
Санайди турналар карвонин.
Келинча-гу хола аммалар,
Сайл-чун тугар дастурхонин.

Баҳор, сенинг борлигинг бир бахт,
Борликни гулларга белейсан.
Борлигимиз этиб нурафшон,
Қалбларда сен мангу яшайсан.



Барлибоева Ситора Комилжон қизи – 1992 йилда Сирдарё вилояти, Боёвут туманида туғилган. Ҳозирда 201-гуруҳ талабаси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

БАХТИМ - ЭРКИМ ТУФАЙЛИ

Кўкка нигоҳ ташласам,
Лов-лов дил ёнар, э, воҳ.
Ўтмишлардан сўзласам,
Осмонлар бўлар гувоҳ.
Юлдуз мисол чакнаган,
Рухими ажодларнинг.
Бу кунларни кўрмаган,
Тугамас фарёдларнинг.
Қилич кесди не-не бош,
Курашда озодликчун.
Момолар тўқдилар ёш,

Чаманда ободликчун.
Бешикда йиглаб қон-қон,
Гўдаклар қолганмиди?!
“Онам”деб аҳён-аҳён,
Фиғонлар солганмиди?!
Эрк! Шу сенчунмиди айт,
Бир майизни қирк бўлган.
Эрк! Шу сенчунмиди айт,
Гул, райҳон бевақт сўлган.
Арш аълодан қаранглар,
Боболарим юрт озод.
Куй-у кўшиқ жаранглар,
Момолар чаман обод.
Мана кел, энди Широқ,
Элинг эркин озод-ку.
Барчамиз эт-тирноқ,
Бўлдик. Юрт ҳам обод-ку.
Спитамен, қайларда,
Ўйларинг кетди қолиб.
Қулликларчи сойларда,
Кетганку ахир қолиб.
Жалолиддин қайдасан,
Хоразмни кўр, сен бир.
Яна қай бир сойдасан,
Ғанимлар энди йўқдир.
Эй, буюқ бобожоним
Амири Соҳибқирон
Айтинг, эй, болажоним
Юртимиз бўлсин омон
Қулликда яшамайман,
Қаламим куч бер хар он.
Эрк сўзин ташламайман
Деганмиди мард Чўлпон.
Қодирийни сотдимми?!
Меҳробдаги чаёнлар,
Усмонни ҳам отдимми?!
Асли заиф пайқонлар.
Қулдику, мана қуёш!
Элим ҳам тинч ва озод,
Кўтарсақ арзийди бош.
Зийрак, билимдон авлод.

Хохлаганча чопади
Яйловларда бойчибор,
Ким кидирса топади
Не сўрасанг бари бор.
Ватаним! Қурбон бўлай
Томчи шудрингчангдек мен
Пойинг остида ўлай
Менчун асли онасен!
Кўкка нигоҳ кадасам
Дил лов-лов ёнар эй, воҳ
Юрт мадҳини куйласам
Бахтгинам берар гувоҳ!!!

ҲАҚИҚАТ

Гуллолар тоғлар бағрида сўлди,
Кушлар сайрай олмай, армонда ўлди.
Охирги нафасим бўғзимга тўлди,
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Одамий туйғулар қолди қаерда?
Инсофсиз инсонлар учрар ҳар ерда,
Энг ҳалол меҳнатлар пешона терда
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Бу бешикда ётган гўдак нега жим?
Бола кулгусини ўғирлаган ким?
Ноинсоф ота деб колдими етим
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Не-не фарзандларни қилди адолар,
Ватан деб жар солган ватангадолар.
Уларни ер нега кўтариб турар,
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Кўкка учай десам қанотим йўқдир,
Ерга олгин десам ерлар ҳам тўқдир.
Сенсиз қолган бир куним отилган ўқдир,

Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Интизор қилмагин, бу ёш дилимни,
Сўздан жудо қилма ногоҳ тилимни.
Қани, айт, дунёда иним дей кимни?
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

Куёш ҳам ўз нурун сочмайман, дейди,
Юлдузлар бағрини очмайман, дейди.
Ситора ҳеч ортга қайтмайман, дейди
Ҳақиқат!
Энди кўзингдаги боғичингни еч!

ЙИГИТЛАР СЎЗИДАН ҚАЙТСА
Қизнинг гул юзлари аста сўлади,
Сабрнинг косаси майга тўлади.
Ожизлик қутуриб мардлик ўлади,
Агар шер йигитлар сўздан қайтса.
Куёш дудоғидан тунлар ўпади,
Жаҳолат адолат юзин тўсади.
Яхшилик йўқолиб, сувга чўқади,
Агар шер йигитлар сўздан қайтса.
Куйламай забонсиз қолгайдир булбул,
Ифорин таратмас, чаман ичра гул.
Ҳақиқат ёлғонга бўлиб қолар қул,
Агар шер йигитлар сўздан қайтса.
Ёғдусин сочмайгай, туннинг кўрки ой.
Ювмайди мажнунтол кокилларин сой,
Тулпорнинг изини босармикан той.
Агар шер йигитлар сўздан қайтса.
Меҳрли қалблар ҳам бўлиб қолар тош,
Метин бўлса ҳамки қулайди бардош.
Кўзлар қароғида қолмас томчи ёш,
Агар шер йигитлар сўздан қайтса.
Зухро зулфларини кесиб ташлайди,
Ширин ой юзини тўса бошлайди.
Лайличи, чўлларда кўзин ёшлайди.
Агар Тохир, Қайслар сўздан қайтса!

АЖДОДЛАРНИНГ АВЛОДИ

Асрагаймиз юрт тупроғин жонимизда,
Куч бергайдир, байроғимиз ёнимизда.
Юртбошимиз ишонч берди, оқлагаймиз,
Аждодларнинг қони бордир қонимизда.

Биз ойдан ҳам ёркин бўлиб тўлажакмиз,
Ватан учун керак бўлса ўлажакмиз.
Биз энг жасур, энг мард авлод бўлажакмиз,
Сохибкирон қони бордир қонимизда.

Тинчлик куйин шўх созимиз доим чалар.
Ўзбекистон ёшларини дунё танир,
Юлдузимиз осмонларда порлаб ёнар,
Улуғбекнинг қони бордир, қонимизда.

Илм чўққин забт этамиз энди биз ҳам,
Яна бир бор берар жаҳон бизларга тан.
Топажакмиз ҳар бир дардга энг зўр малҳам,
Ибн Сино қони бордир қонимизда.

Келажакка орзу порлар кўзимизда,
Сарҳадларнинг поспонлари ўзимизда.
Қатъият бор айтган ҳар бир сўзимизда,
Жалолиддин қони бордир қонимизда!

Аму билан Сир сочига гул тақамиз,
Дўппию, атлас кўйлак, бурма ёқамиз.
Шундай кизлар ғанимларга тик боқамиз,
Тўмариснинг қони бордир қонимизда.

Ёркин қушмиз, йўқдир энди темир кафас,
Янграр доим, қалбимизда шундай бир сас.
Ўлганда ҳам “Халқим” деймиз сўнгги нафас,
Қодирийнинг қони бордир қонимизда.

Асрагаймиз юрт тупроғин жонимизда,
Куч бергайдир, байроғимиз ёнимизда.
Юртбошимиз ишонч берди, оқлагаймиз,
Аждодларнинг қони бордир қонимизда.

КУМУШНИНГ МАКТУБИ

Мени кўмиб қўйди ҳижрон тошлари,
На туриш, на кулиш ва на йиғлаш бор.
Фақат ёлғиз юрак кўзин ёшлари,
Вужуд ичра унсиз йиғлайди зор-зор.
Йиғлайди гўёки гулҳандек тошган,
Ҳидоят ўтини ўчирмоқ истаб.
Қалбимнинг сарғайиб, хазондек сўнган,
Юзига сиз томон бир мактуб битиб.
Булут бўлиб учиб, ёмғирдек ёғиб,
Тупроқнинг бағрида кураман ошён.
Сиздан кутган бахтни энди мен титраб,
Гулнинг қулоғига қиламан дoston.
Фазога интилиб, сизни тарк этиб,
Зухро бўлиб кўкка учиб кетаман.
Менга айтган ўша ширин сўзларни,
Зайнабга айтсангиз энди нетаман.
“Мен ўша” десам ҳам не эрур маъно,
Сизни бегим дея адашган бўлсам.
Марғилон гувоҳлик қилган бахт рўё,
Асл бахт не ўзи билмайин сўлсам.
Мен кутдим кипригим игнаси билан,
Сочимдан йўлизга гиламлар тўкиб.
Интизор кўзларим қароси билан,
Сиз ёзган мактубни минг марта ўкиб.
Юрагим қолдириб юрагингизда,
Яшайман тоғларда бўлиб олиб тош.
Қизғалдоқлар бўлсин сўроғингизда,
Бунга ҳам етқайдир мендаги бардош.
Бегим, фақат сиздан охирги нажот,
Кўзимла ёнимда бир сизни кўрсам.
Зайнаб бўлсин, бўлсин ёрингиз фақат,
Исмингизни айтиб. майли , сўнг ўлсам.



Бахромова Дилфуза Азамжон қизи 1992 йил Наманган вилояти, Чуст туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети 201-гуруҳ талабаси.

ЎКСИК ҚАЛБ

Менга ҳеч вафолар қилмадинг,
Тигсиз ҳам қалбимни тирнадинг,
Оҳ, мени бунчалар қийнадинг,
Дийдорни суймаган номардим.

Кўриб ҳам кўрмаган бўласан,
Ҳали кўп изимни излаб толасан,
Кун келар афсусда қоласан,
Куйдириб қуймаган номардим.

Қалбингда виждонинг бормиди,
Юрагинг шунчалар тормиди,
Изингга кимингдир зормиди,
Ўлдириб ўлмаган номардим.

Билсанг гар вужудим қийналар,
Кўз ёшлар юзимни сийпалар,
Тобора қалб тошга айланар,
Суйдириб суймаган номардим.
Дийдорим суймаган номардим.

КЕЛИНЧАК

Дейдилар киз бола палахмон тоши,
Қисматдир бу ҳолат азалдан бешак.
Нозланар киприги қалами қоши,
Бугун кўчамизда бир киз келинчак.

Оқ либос хилпирар, нозик танида,
Либосига монанд чиройи, бори.
Энди кимдир ҳамроҳ унинг ёнида,
Ўшал кимдир унинг суюкли ёри.

Юзида табассум, қалбида қувонч,
Энди ота уйдан йироқда бўлар.
Энди юрагида ёрига ишонч,
Шу ишонч ўлмас шодликка тўлар.

Бамисли оккушдай бўлди парвози,
Йироқ-йироқларга учиб кетди у.
Энди уйларидан келмас овози,
Келинлик либосин кучиб кетди у.

Майли борган жойида тошдайн қотсин,
Насиби рўз бўлсин кўлда беланчак.
Юзлари ғамгамас, кулгуга ботсин,
Бир умрга яшасин бўлиб келинчак!

АЁЛ

Кимга аччиқ тақдир, кимгадир хаёл,
Кимлар орзу қилган кўкдаги ҳилол,
Ким кадр қилмаган нозик навнихол,
Мен сенинг изингда бедорман аёл.

Ҳар тонг кўз-кўз қилса жамолин дунё,
Тонгги шабнамларга ошноман гўё,
Тушлар бўлмасайди шунчаки рўё,
Мен сенинг изингда бедорман аёл!

ХАЁЛЛАРИМ...

Дунёсида қолган ёлғон туйғулар,
Кўзларни тарк этиб кетган уйқулар,
Дилни обдон кучиб ётган кайғулар,
Қайтиб беринг менга хаёлларимни.

Орзулар кетмоқда, келгани армон,
Энди менинг бахтлар топмоғим гумон,
Дилга умидсизлик тутмишдир макон,
Қайтиб беринг менга хаёлларимни.

Бу ҳаётим ўйин-кулгу беш кунлик,
Қилдимми сизга бир иш арзигулик,
Тақдирмиди жоним бизга айрилик,
Қайтиб беринг менга хаёлларимни.

ФАЛАК

Кўкларда яралган аслида малак,
Гуллар- чун туғилган эмиш капалак,
Тақдир бу самовий синовчи йўлак,
Менга ковоғингни уйма эй фалак.

Зардалар килибон тирнама қалбим,
Шусиз ҳам юракда етарли дардим,
Гар мени ўзгага берса номардим,
Фақат сен ковоғинг уйма эй фалак.

Йиғласанг йиғлайқол ковоғинг уймай,
Кўз ёш тўк, токи мен оловда куймай,
Сен эса яшагин армонни туймай,
Ёлворай чехрангни уйма эй фалак.



Тилова Оқила Ўтқировна 1991 йилда Бухоро вилояти Вобкент туманида тузилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 201-гуруҳ талабаси.

Мен кетаман... қолади бари...
Юрагимнинг тубида ёнган.
Ўша гўзал, ўша бетакрор,
Соғинчлар ҳам, ёшлиқдан қолган.

Мен кетаман қолади бари...
Тупрок кўча, тошли сўқмоқлар.
Қишлоқнинг хур маликалари,
Ўртоқларим шўх кизалоқлар.

Мен кетаман қолади бари...
Таниш анҳор, сувлари зилол.
Ўзга сирдош топгин ўзнигга,
Кадрдоним эрка мажнунтол.

Мен кетаман қолади бари...
Бағрин ўйиб исмим ёзилган.
Ҳали мағрур кекса шоҳлари,
Лек севгимнинг гувоҳи – чинор.

Мен кетаман қолади бари...
Хотиралар оловдек ёниб.
Армон бўлган илк муҳаббатим,
Ҳижрон сувин ичади қониб.

Мен кетаман қолади бари...
Тош – шаҳарда юрагим ярим.

Тош кўчада сарсон гадодек,
Ахтараман онам изларин...

ХАЁЛОТ

Бугун яшаяпти дунё ва борлик,
Олтин жилоларда ҳаёт кувончи.
Бизга кенг оламини этмоқда тортиқ,
Ширин орзуларда яшаш ишончи.

Мана, кетаяпман таниш йўлакдан,
Йўлимда дуч келар минг хил қиёфа.
Минг хил қадамлардан озорда йўлак,
Тезроқ тугабини кутиб масофа.

Дарахтлар баргини тебратар шамол,
Япроқлар шитирлар тўлиб кувончга.
“Тезроқ алла айт” – деб сўрайди хушҳол,
Табиат онаси бўлган куёшга.

У ҳам нурларида силайди дарҳол,
Гуё гўдагини суйган онадек.
Олтин япроқчалар учади беҳол,
Уйкуга кетади маюс боладек.

Шу тарзда ҳаёт ҳам этади давом,
Умримиз дарёдек ўтади оқиб.
Кексалик ёшликка беради салом,
Биз эса турамиз кўзгуга боқиб...

УМР ФАСЛИ

Она табиатнинг маҳзуна фасли,
Ҳасрати кўнглимнинг тубида унган.
Сен бор маҳзунликка тимсолсан асли,
Ернинг яноғига япроқдай кўнган.

Олтин хазонларда дардларнинг акси,
Ёмғир ёғабошлар - кўзёшлар гуё.
Юракда хукмрон кузнинг нафаси,
Ажиб сокинликка бурканар дунё.

Беркинмачок ўйнаб юрган шўх бола,
Дарахт баргларини йиғиб кучоққа.

Бобо кўзларида томчидан жола,
Ахир унинг умри, куздек ўтмоқда.
Ўтди киш, баҳор ҳам, кеча ёз эди,
Шодликлар, муҳаббат, умидлар билан...
Саҳнада хазонлар ила куз келди,
Соғинчлар, кўз ёшлар имконлар билан...

Анов қўл ушлашиб юрган йигит-қиз,
Ҳали шу сўқмоқдан ўтади минг бор.
Ҳали яна минг бор келганида куз,
Олгин япроқлар ҳам тўкилар такрор.

УСТОЗ

Кўзим қароғисиз қалбим ардоғи,
Лаблардан оятдек учган бир эъзоз.
Зимистон йўлимнинг ёнган чароғи,
Маърифат элчиси мўътабар устоз.

Сизга эҳтиромдан бошланажак сўз,
Уйғоқ кўнгилларнинг эзгу каломи.
Сизми мозийларга етакловчи кўз,
Улуғ Навоийнинг элга саломи!

Сиздан бошланажак асли тафаккур,
Басир нигоҳларга нурлар қуйғувчи.
Маърифат йўлида адашган жонни,
Илм қарвонига боғлаб элтгувчи.

Ҳар не эъзозлар ҳам, оз шаънингизга,
Шогирдлар қамоли, сизга шоҳсупа.
Энг ёруғ сатрлар кўп номингизга,
Мен ҳам қуйламоққа жазм этдим яна.

Сиз бор яшаяпти, яшайди миллат,
Дунёнинг борлиги сизлар учундир.

ДЎСТИМГА...

Ажиб дунё экан, омонат жонмиз,
Гоҳида яхшимиз, гоҳи ёмонмиз,
Ҳамма қаби биз ҳам оддий инсонмиз,
Бир кам дунё экан, чидаймиз дўстим.

Гоҳо соддадилмиз, гоҳо тошбағир,
Такдир... ёмон кунда, қиламиз сабр,
Тирикмиз, яшадик, яшаймиз ахир,
Дунёнинг сабрини синаймиз дўстим.

Майли кечиб кетсин ишонганимиз,
Дўст дея кўксига суянганимиз,
Такдирга тан бериб яшаймиз дўстим,
Бир кам дунё экан, чидаймиз дўстим.

Кимлар виждонини пулга сотдилар,
Кимлар ёнган чўғни сувга отдилар,
Кимлар ҳатто ўздан қилурлар хазар,
Бизчи “шукр” – дея яшаймиз дўстим,
Бир кам дунё экан, чидаймиз дўстим.

ИЗТИРОБ СУРАТИ

Кечдим...

Бу дунёнинг ташвишларидан,
Армонлар қалбимни эздилар унсиз.
Сабоқ чиқардим мен ўкинчларимдан,
Одамлар камайиб қолмайди менсиз.

Соғинчлар соҳили мен учун олис,
Соғиндим келмади соғинганларим.
Майли бир умрни яшасин менсиз,
Термулиб йўлига, талпинганларим.

Гулнинг япроғига қўнган шабнамман,
Ёмғирнинг синглиси ўзимман яна.
Хаёлим паришон экан... билмабман,
Булутнинг мен учун эканин она!

Қани энди мен ҳам ёмғирдек беун.
Ерларнинг қарига сингиб кетсайдим...

Муҳаббат... нима у? ... “ҳавоий эртак!”
Ишонмам ёлғончи сўзларга асло.
Майли, бугун мени десинлар тентак,
Оллоҳдан сўрайман дардимга даво.

ОҒА

Сиз менинг толеим, суянч паноҳим,
Оллоҳ юрагимга ёккан чироқсиз.
Бугун сиздан олис, йироқман ҳар он,
Қалбимда ғурурим, дилда ардоқсиз.

Қўлларингиз тутиб улғайдим бугун,
Меҳр қуёшингиз ёритди дилим.
Мен сизга саждалар қилмайин нечун,
Сиз борсиз, қаддим тик, суянч паноҳсиз.

Сиз борсиз ёнимда иқболим баланд,
Тақдир синовига етарли кучим.
Ҳар қандай азият етмайди оғир,
Сиз менинг ишончим, метин бардошим.

Ҳар босган қадамим изингиз акси,
Ҳар қилган ишимда сизни ўйлайман.
Тақдир толеимга чироқ ёкқанда,
Мен ҳеч ким эмасман сизнингсиз, сизсиз.

Ҳаёт ташвишига етмаса кучим,
Бағрингизга бошим қўйсам етарли.
Оламан меҳрингиз тафтидан тиним,
Нурларила йўлим ёкқан қуёшсиз.

Сиз осмон бағрида тоғдир, энг юксак,
Мен унинг пойига қўним топган тош.
Розиман бир умрга саждалар қилсам,
Сиз менинг Қаъбамсиз, саждагоҳимсиз.



Оллоберганова Сарвиноз Равшанбековна – 1990 йилда Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманида тугилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети 201-гуруҳ талабаси.

САВОЛ

Меҳр излаб келгандим бу кун ёнигга,
Ғазаб учкунлаган кўзларни эмас.
Ором топмоқчийдим сендан жонимга,
Наштарлар санчувчи сўзларни эмас.
Ёнигга интилдим чин дўстни истаб,
Бағри тош, аёвсиз бир ёвни эмас.
Талпиндим кошингга тинч ҳаёт сўраб,
Танимни ёққувчи оловни эмас.
Жаннат истаб келдим бағрингдан бир пас,
Ишкни мавҳ этувчи дўзахни эмас...
Дўзах-ку иссиқдир, сен бунча совук,
Наҳотки қалбингда заррача чўғ йўқ?!

ТАБАССУМИНГ АЯМАСАНГ БАС

Чин юракдан севардим сени,
Қолдирдинг сен уни жавобсиз.
Бу бешафқат ишкнинг комида,
Яраланган бу қалбим ҳолсиз.
Аламлардан йиғлайман бугун,
Ночорликда тунларим узун,
Айт вафосиз, айтгин, не учун,
Муҳаббатим қолди жавобсиз?..
Ранжимагин аччиқ сўзимдан,
Бегонаман ҳозир ўзимдан.
Овутмагин майли, керакмас,
Учрашганда кулиб боқсанг бас!

БИЛМАЙМАН ЎЗИМ

Мен нечун севаман, билмайман ўзим,
Қачон севиб қолдим, менга қоронғу.
Нетайки, муҳаббат кўр қилди кўзим,
Эҳтирос қалбимга солмоқда оғу.
Начора яшайман... жуда ҳам маҳзун,

Қалбим-ку майли-я, рухим ҳам пора,
Висолнинг йўллари бунчалар узун.
Соғинч азоб берар, фироқ маккора.
Ҳар замон ўзимни тиймоқ бўламан,
Лек, юрак қурғурга ўтмайди сўзим.
Бу дарддан бир куни тайин ўларман...
Нечун севиб қолдим билмайман ўзим.

ОНАМГА

Ғам чексам ғамимни еган онамсиз,
Танимга дард энса енгган онамсиз,
Кўзларим намланса қуритган ҳам сиз,
Бир ўғил, икки қиз бахти ўзингиз.
Ҳамиша қўлингиз бўлди дуода,
Фарзандлар соғлиғи, икболин тилаб.
Илтижо қилдингиз тун-кун худога,
Бизларни беқиёс меҳрга белаб.
Юзингиз нуридан уйлар чароғон,
Сиз билан кўксимиз тоғлардек юсак.
Қалбингиз қўридан обод хонадон,
Сиз борсиз, сизни деб уради юрак.

КЕЧИР

Гоҳида дилингга гар озор берсам,
Муҳаббат дардига гирифтор этсам,
Бир оғиз сўзимга зор этиб кетсам,
Кечиргин, азизим, сен мени кечир.

Мени деб юрагинг армонга ботса,
Ўтдан олиб соғинч сувларга отса,
Кўзингда ёш ила тонгларинг отса,
Кечиргин, азизим, сен мени кечир.

Юлдузли кечалар ороминг олсам,
Қалбингга оловли рашк ўтин солсам,
Қадрингга етмайин мен танҳо қолсам,
Кечиргин, азизим, сен мени кечир.

Вақт ўзи дардингга даво бўлса бас,
Мен учун муҳаббат мисоли қафас,

Айрилган бу қалблар қайта бирлашмас...
Кечиргин, азизим, сен мени кечир.



Ҳусан Мақсудов – 1991 йилда Бухоро вилояти, Олот туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факултети 105-гуруҳ талабаси.

АЛАМЛИ ҚЎШИҚ

С.га

Бошгинангга зар рўмол
Ўрашгани аламдир,
Рўмол сенга, ойжамол
Ярашгани аламдир.

Бошдан сочиб тангалар,
Олиб кетди янгалар.
Асли чўгли дилга ўт
Қалашгани аламдир.

Ағёр пинҳона кулар
Сенсизлигимни билар
Дўстларим хайрон бўлиб
Қарашгани аламдир

Аста силаб бошингни
Мен силаган сочингни
Худди мендай охиста
Тарашгани аламдир

Бошгинангга зар рўмол
Ўрашгани аламдир
Ёринг сенга, ойжамол
Ярашгани аламдир

АЙТ

Такдир мени қийнаса ногоҳ,
Омад мандан юз ўгирган пайт,

Дардларимдан бўлиб сен огох,
Менинг учун йиғлармидинг айт ?

Ҳар нарсадан эзилса кўнглим,
Ҳасратларим ёзсам байтма-байт.
Астагина сен, ушлаб қўлим,
Мен-ла бирга йиғлармидинг айт?

Томиримда жўш урар қоним,
Сенинг исминг юрагимда қайд.
Йирокларда юрсам гар, жоним,
Мени эслаб йиғлармидинг айт?

Вақти келиб, омонат жоним,
Яратганга топширмоғим шарт,
Шунда қабрим устида сен жим,
Ҳаммадан кўп йиғлармидинг айт?

ТЎРТЛИКЛАР

Кимлардандир қолар қошона
Кимлардандир қолар ўлчовсиз ерлар
Бу фоний дунёдан ўтсамда охир
Мендан қолажаги бир китоб шеърлар

Майли ўнг кўлимни қиймалаб ташланг,
Майли ўнг ёнимга найзалар уринг.
Розиман,майлига ўнг кўзим ёшланг,
Фақат чап ёнимдан узокрок юринг.

ЯХШИНИНГ ЁМОНГА ДЕГАНИ

Сен дунёни яшил
Эзгуликка тўлдиролмайсан
Яхшиларни ўлдирарсан, лек
Яхшилиқни ўлдиролмайсан.

3га

Биламан, дунёдан ўтиб кетаман,
Ва лекин кўнглингга чўкиб кетаман,
Ўлсам ёш тўкмагин қарорим шуки:
Рухинг дарёсида чўкиб кетаман.

Кўлимдан ҳеч бир иш келмай қолса ҳам,
Жонимни жонингга тикиб кетаман,
Сенга бериб барча шодлик, қувончни,
Дилингдаги ғамни тўкиб кетаман.
Балки доғим қолмас, балки боғим, лек,
Кўзингга кўзимни экиб кетаман.

Сенинг кўзларингга термулсам бирдам,
Меҳринг оташидан кўксим тоғ бўлса.
Менинг кўзларимга термулгин сен ҳам,
Мен ҳам севадурман бошим соғ бўлса.

Кўлимдан маҳкам тут ранжитма зинҳор,
Саҳрода мажнундай юргим келмайди.
Кўзимдан ёшларим томмасин бир бор,
Сени ётлар аро кўргим келмайди.

Севгинг оташида кўксим тоғ бўлса,
Муҳаббат, муҳаббат дея куйласам.
Лекин, ёр севгининг билсанг кўзи кўр,
Ўхшамайлик бизлар кўрларга ҳеч ҳам.

Осмонда жуфт учган капалаклардай,
Сой ва мажнунтолнинг севгиси мисол.
Севгимиз соф бўлсин худди шулардай,
Худди улар каби яшайлик ҳалол.

ИСТАК

1

Кўнглимнинг ойнасида
Суратинг кўрсам доим!

2

Кир босган юрагимни
Кўз ёшларингга ювсам!

3

Масихдай нафасингдан
Жон кирса вужудимга!



Сайфиддинова Гулноза –1992 йилда Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 104-гурӯҳ талабаси.

СОҒИНАМАН ИЗЛАРИНГИЗ

Ёзяману сатрга томмоқда ёшим,
Қайда қўймокни билмам бу бошим.
Сиз эдингиз менинг яқин дарддошим,
Изингиз қайлардан излай бобожон?

Юпанчни ахтардим, топмадим бироқ,
Юрагим ёнмоқда эзмоқда фироқ,
Қалбимнинг қаърида биргина сўроқ,
Сўзингиз қайлардан тинглай бобожон?

Нечун фоний бўлди хуш дамлар, нечун,
Бугун кадрингизни билмоқда очун.
Оппоқ қоғозга байт битай сиз чун,
Дийдорингиз қайдан излай бобожон?

Қадоқ юз дарахтга юзимни қўйиб,
Хаёлан кафтингиз кўзимга суртдим.
Тонг чоғи боғингиз ичра мен кезиб,
Шаънингизга ушбу шеъримни битдим.
Сизни энди қайдан излай бобожон?
Тафтингизни қайдан излай бобожон?

ЧАРХПАЛАК

Буюк Яратувчи инояти-ла,
“Инсон” номин олди, олий мавжудот.
Минг синов солдилар унинг бошига,
Сабрлига бердилар улуғ мукофот.

Ҳаёт чархпалаги тинмай айланар,
Ғавғо солар қалбга, етарми бардош?
Истак ва илинжга ипсиз бойланар,
Сўнгида порлайди қалбида куёш.

Турфа олам ичра минг турфа тақдир,
Не-не буюкликка эришди инсон.

Ҳар нарсага қодир балки у ҳақдир,
Лек сўнги чорага топмади имкон!

БУВИЖОНИМ

Оппоқ сочингизни юзимга босай,
Юмшоқ сўзларингиз тинмай тингласам.
Ўғитларингизни қалбимга тугай,
Сиз айтган ҳар нуқта дилимга малҳам.

Бувижон мен учун ягонадирсиз,
Доим талпинганим, бир донадирсиз.
Ҳикматингиз сеҳри асиридурман,
Сиз гўё фаришта, дурдонадурсиз.

Яратгандан сизга умрлар сўрай,
Дунё борича сиз саломат бўлинг.
Мен сизга муносиб бир ворис бўлай,
Бувижон, сиз менинг камолим кўринг.

БАТАН

Мен туғилган тупроқ шундай мукаррам,
Унинг оғушида бахтдан қошонам.
Шу азиз тупроққа тегишли ҳар не,
Юрагимга таскин бергувчи малҳам.

Тонгда шивирлаган ҳар битга япроқ,
Менга сўлим бахтдан эртақлар сўзлар.
Чаманларинг ошён тутмаган булбул,
Эҳтимол аламдан эзилиб бўзлар.

Мадҳинга қанчалар ашъор битсам кам,
Таърифингга сўзлар етказолмасман.
Лек юрагимда бир туйғу бор ўлкам,
Уни ҳеч нимага алмаштирмасман.



Рафиева Умида Бегмуродовна 1990 йилда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 104-гуруҳ талабаси.

ОНАМГА

Айтар бўлсам бу кўнгилнинг армони кўп,
Дўстларимнинг яхшисидан ёмони кўп,
Кунларимнинг ёруғидан самони кўп,
Онажоним, ҳеч ким сиздек бўлолмаскан,
Кулдирса ҳам, кўнглимизни ололмаскан.

Кўнгил борки, унда дарду алам ҳам бор,
Яхшики дард олгувчим, шу қалам ҳам бор,
Юрагимнинг тубида бир нолам ҳам бор,
Онажоним бу дунёда топилмаскан,
Она меҳри тиллоларга сотилмаскан.

Она! Бугун ёнингизга қайтарим бор,
Дардим тўла дилда нозик дафтарим бор,
Онажоним, бугун сизга айтарим бор,
Бу дунёда онам менинг танҳо экан,
Дилимда қошонам менинг танҳо экан.

Сабрлар қилдим, сўнгсиз бу сабрлар,
Қанча керак бўлса чидадим.
Юрагимда нурсиз кабрлар,
Бағрига бош қўйиб йиғладим.

Қанча келса ҳақорат тоши,
Айбсиз кўксим тутавердим мен.
Кўрсатмадим кўзимнинг ёшин,
Барин ичга ютавердим мен.

Юрагимга кўмдим кун сайин,
Бир кулмаган орзуларимни.
Яшаяпман қасддан атайин,
Кучиб армон-қайғуларимни.

Тик қарадим, қанча бўлса ҳам,
Кулиб боқдим ғаму аламга.

Ноҳақликка чидай олмасам,
Юрагимни очдим қаламга.

Ўт тушса ҳам устухонимга,
Кўравердим кулиб бепарво.
Куйиб бўлган хаста жонимга,
Айтинг нима бўладир даво?

Мен ҳам буюк бахт ҳисларин туйиб,
Яшашимга имкон бер ҳаёт.
Ҳеч бўлмаса сўнги бор туйиб,
Йиғлашимга имкон бер ҳаёт!

Сабрлар қилдим, сўнгсиз бу сабрлар!..

ЎЗБЕГИМ

Айвонига кўнса калдирғоч,
Авайлайди боласигача.
Баҳорида солланар омон,
Силаб буғдой донасигача.
Тонгда кўринг кўчаларини,
Келинлари айлаб саришта.
Кўзи қиймай кечаларини,
Сочин силаб кезар фаришта.
Танти диёр, хур диёр бу эл,
Ширин сўзи жонга даводир.
Ўзбегимнинг онаси айтган,
Аллалари мангу наводир.
Бешик кучиб тунни тонг билан,
Кипригида улагани бор.
Ё пирим, деб ҳар тонг худодан,
Сизга умр тилагани бор.
Хур қизларнинг чимирма қоши,
Ўсмасидан таманно айлар.
Тақдир йигитларин бардоши,
Ватаним, деб жонини бойлар.
Ана шундай гўзал миллатнинг,
Баркамол бир авлоди мен ҳам.
Бир кун айро тушсам бағрингдан,
Соғинч тўла кўзларимда нам.
Ўзбек элим, бетакрор дилим,

Таъзимдаман кўксимда қўлим.
Сенга айтар ягона сўзим,
Айланай ўзбегим номингдан сенинг
Тонгда ёпган тандир нонингдан сенинг.

ШОИРНИНГ ЮРАҒИ

Шоирнинг юраги оловми-чўғми,
Сал яқин йўласанг куйдира бошлар.
Қоп-қора киприги найзами, ўкми,
Тикилсанг жонингдан тўйдира бошлар.

Шоирнинг юраги лолами-гулми,
Тегмасанг бўлмайди, тексанг тўкилар.
Шоирнинг юраги қаламга қулми,
Тилидан жон олур сўзлар тўкилар.

Шоирнинг юраги бунчалар инжиқ,
Анча-мунча сўзга кўнгил тўлмайди.
Шоирнинг юраги бунчалар синик,
Уни ҳеч сўз билан авраб бўлмайди.

Шоирнинг юраги шерга ўхшайди,
Бир оғиз сўз демай ямлайди сени.
Шоирнинг юраги шеърга ўхшайди,
Қотган дийдаларинг намлайди сени.

СОҒИНЧ

Соғинч йиғлаётир, асло қор эмас,
Соғинчим юракка бормоқда сингиб.
Ушбу соғинчлардан ўтмоқ ор эмас,
Йиғласам юрагим кетгайдир синиб.

Соғинчим ёғмоқда аниқ биламан,
Қўл чўзгим келмайди соғинчларимга.
Секингина кўзда ёшга тўламан,
Мен сени бермайман ўтинчларимга.

Соғинчларим ўраб, тиниб колди қор.
Бирор бир соғинчга чўзмадим қўлим.
Оҳ яна қор ёғса такрор ва такрор,
Сенинг изларингга тўларди йўлим...!



Равшанова Гулруҳ Яхшибоевна 1992 йилда Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 104-гуруҳ талабаси.

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Гўзалликда тенгсиз ўзбек қизлари,
Хеч кимга ўшамас гўзал юзлари,
Иболи, ҳаёли, мағрур ўзлари,
Бу ўзбек қизлари, ўзбек қизлари.

Ширин сўзларини айтмайсиз асли,
Узун сочлар ўпади товонин мисли,
Нозланиш, уялиш уларнинг касби,
Бу ўзбек қизлари, ўзбек қизлари.

Йигитларга шарт қўйган Барчин мисоли,
Анварнинг шайдоси Раъно мисоли,
Зулфияга ҳавас Гулруҳ мисоли,
Бу ўзбек қизлари, ўзбек қизлари.

Қадди ва бастига бемисл фусунлар
Қўшгайдир Марғилон атлас матоси,
Сув ичиб ўсмадан пилик қошлари,
Бу ўзбек қизлари, ўзбек қизлари.

Жон олар уларнинг жоду кўзлари,
Етти ўлчаб, бир кесмоқ улар сўзлари,
Меҳмондўст, оқила, ширин кўллари,
Бу ўзбек қизлари, ўзбек қизлари.

МАЖНУНТОЛ

Толим-толим сочларингни ўрайин мен,
Сочларингга гулчамбарлар қадайин мен,
Нега бунча, бошинг эгиб маюссан сен,
Япрокларинг узилдими эй! Мажнунтол.

Севгисидан бахт топмаган бир киздайин,
Армон бўлиб қолиб кетган бир сўздайин,
Нега бунча бошинг эгиб маюссан сен,
Япрокларинг узилдими эй! Мажнунтол.

Сендан паноҳ топадилар севган диллар,
Сочларингни силайдикун шунда қўллар,
Нега бошинг эгиб, бунча маюссан сен,
Япрокларинг узилдими эй! Мажнунтол.

Пинҳон тутиб шивирлайсан неларни деб,
Сунбул, сунбул сочларингни ўйнаб ҳа деб,
Даст кўтаргин бошингни сен кўрсин ҳамма,
Япрокларинг узилса ҳам эй! Мажнунтол.

МЕҲРИБОНИМ

Саждагоҳим — моҳим менинг,
Кўшиқларим — оҳим менинг,
Мунисим-ла — хокисорим,
Меҳрибоним Онам менинг.

Икки дунё сизга доим,
Жаннатларни тилагайман.
Ҳар қадамда сизни эслаб,
Меҳрингизни оч сезгайман.

Сочингизни толасига,
Бахтни кўшиб ўрайми мен.
Ширин сўзим саломимла,
Дардингизни олайми мен.

Ҳатто ой ҳам ҳавас қилган,
Латофатли юзингиздан.
Жоним дея эркалабсиз,
Биздек ўғил-кизингизни.

Жаннатлардан гуллар териб,
Қўлингизга тутайми мен.
Пойингизни сажда билиб,
Пойингизни ўпайми мен.

СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ

Мақтаб кучоғида ўйнадик, кулдик,
Ҳаёт сирларини англадик, билдик,
Гоҳида дарёдек қайнадик, тўлдик,
Бу кун юзларимиз бироз сўлгинроқ,
Ахир жаранглайди сўнги қўнғироқ.

Ҳаёт олий неъмат учқурдир замон
Мисли ўқ отишга эгилган камон,
Йўл узра ҳамма йўл эмасдир равон,
Бизнинг сўкмоғимиз балки ўнқирроқ,
Огоҳликка чорла сўнги қўнғироқ.

Шу юрт фарзандимиз тушмасмиз йироқ,
Юлдузлар йўлида ёқсақда чироқ,
Қалбимизда доим шу қутлуг даргоҳ,
Гоҳида қайтурмиз бўлиб мўминроқ,
Тинглаш учун сени сўнги қўнғироқ.

МУАЛЛИМ

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,
Муаллим камолот ичра кўзгудир,
Ўқидим Герадот тарихин кўп бор,
Навоий “Хамса”син такрор ва такрор.
Ўқидим, ўқидим, лол қолди аклим,
Барига ўзингсан устоз муаллим.



Шаропова Феруза Валиевна – 1989 йил Бухоро вилояти, Фиждувон туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 104-гуруҳ талабаси.

ОНАЖОНИМ

Саҳарданок уй ишига шайланасиз,
Рўзгорим деб, оилам деб ўйланасиз,
Меҳнат битиб яна қачон дам оласиз,
Меҳнаткашим, меҳрибоним онажоним.

Ҳар бир ишнинг ташвиши бор, ўз иши бор,
Кўйинг энди қилмасангиз кийналмас ор,
Қилай десам балки менга ишонмайсиз,
Онажоним қачон тинар меҳнатингиз.

Қичкинтойнинг ўқишидан ҳол сўрайсиз,
Ўқишимиз, ишимизда доим бошсиз,
Барчамизга бир хил меҳр улашасиз,
Сиз бунчалар меҳрибонсиз онажоним.

Сиздир бизнинг ёлғизликда сирдошимиз,
Сиздир бизнинг ҳеч топилмас чин дўстимиз,
Ҳар доимо тўғри йўлни кўрсатгувчи,
Сиздир бизнинг ҳаётимиз шамчироғи.

Вақт ўтиб, улғайиб, ўқиб ўрганиб,
Орзуингиздаги фарзанд бўламан,
Енгилмас, мустаҳкам келажак куриб,
Дуойингиз олиб бахтли бўламан.

Бир неча бор уриндим кўнгил очмоққа,
Қалбим шеърларини тўкиб сочмоққа,
Сиз учун бир дунё гавҳар-у дур кам,
Таърифлай олмайман ожиздир қалам.

АФСУСДАМАН

Бугун афсусдаман илк бора, дўстим,
Сўзларингга терс берган жавобим учун.
Яна афсусдаман ёнингда, ростим,
Қалбингга етказган озорим учун.

Кечир, юраккинам бўйсунмас менга,
“Бағритош” атама фақат, илтимос.
Энг гўзал сўзларим, тилагим сенга,
Баъзан бағритошлик инсонликка хос.

Ёнигдами ўша айтган сўзларинг,
“Инсон бир-бирига боғлиқ бўлади,
Мен сени севаман, сенинг севганинг
Ўзганинг кўксида тумор бўлади..”

Ниятим қийнамоқ эмасдир асло,
Умид учқунларим бера олмайман.
Самимий кулсам-да, сенга ўзгача,
Туюлар, дўстгинам кула олмайман.

Бугун афсусдаман илк бора, дўстим,
Қалбинга қалбимни бера олмадим.
Яна афсусдаман ёнингда, ростим,
Мен сени кутгандек сева олмадим.

БАХТ КУТИБ

Йиғлайсан, не учун кўзларингда нам,
Ўксинма, қаддингни бумагин ҳеч ҳам.
Кел, дўстим мен сенга бўламан ҳамдам,
Балки тушгандирман ҳолингга мен ҳам.

Ҳаётга боқарсан илтижо билан,
Ўйлайсан, не ишлар кутмоқда сени.
Қулочинг ёзгин-у, дилларга улан,
Ва яна олиб кет ўзликка мени.

Гоҳо огир кунлар сўроқлаб келар,
Юрагинг армон-у ғамларга тўлар,
Умидинг сўнади, тинар қўз ёшлар
Ортиқ йиғламоққа етмас бардошлар.

ШЕЪРИМ

Шеърим, сен шундай латифсан, шунчалар гўзал,
Тўсатдан келасан кутмаган маҳал.
Баъзан тонг чоги у, баъзан ярим тун,
Эркингни бермайсан адо бўлса кун.

Яна ҳамдам бўлгин пушаймонларга,
Тулиб-тошганида дил соғинчларга,
Бўғиб қўйганида тоғдайин армон,
Сендан мадад олсин руҳият ва жон.

Сен аччиқ кўз ёшсан тўкилмай қолган,
Сен ўша табассум қулолмай турган.
Сирли боқишларсан, қаролмай қолган,
Улкан чўғсан яна, ёнолмай қолган.

Қалблар дарёсисан, сувларда оққан,
Қайнок нурлар билан қуёшдек бокқан,
Бегона кимсага сирдошдек ёққан,
Мажнунтол тилида қолган тилаксан.

Сен дардим аксини чизган бир қалам,
Баъзан чексиз қувонч, баъзида алам,
Сен шундай малҳамсан, кераксан шу дам,
Мендан олис кетма, тонглар отса ҳам.

МУҲАББАТГА САВОЛ

Оғринган кўнгил-у, бахтиёр бир қалб,
Гоҳо ғамгин бўлиб, гоҳо бахтиёр.
Далдали сўзлар ҳам ҳеч қилмайди қор,
Чунки муҳаббатга саволлари бор.

“*Севги* деб аталмиш чўғга тушибман,
Ёниб кул бўлмоққа тайёр турибман.
Муҳаббат, аслида ўзинг қайдансан,
Охир манзилингга қачон етарсан?”

Юз ноз-у карашма, илтифот билан,
Келмоқда бир пари олдинлаб юриб,
Ўтириш истамай, жойидан туриб,
Аста сўз бошлади, бошини эгиб:

“Мен шундай истакман, кўнглингга бокмай,
Қалбингга бир қалбни тутиб қўйгувчи.
Мен шундай хоҳишман, ёнигда туриб,
Кўзларингда жамолин тутиб тургувчи..”

Мен шундай дилдорман, кўзингга бокиб,
Ўй-у хаёлларинг олиб қочгувчи.
Мен шундай тилакман, тилларингда бол,
Ширин сўзлар билан нома битгувчи.

Лайлилар чидолмай йиғлар эмишлар,
Ширинлар умрбод хафа бўлмишлар,
Мажнун аҳли сахро девонамишлар,
Азизим сиз айтган сўзларингизда.

Севдингизми, билмам, мен севиб қолдим,
Гўё хаёлларга айланиб қолдим,
Яна нима бердим, неларни олдим,
Ёлғизим, нахотки девона бўлдим?

“Сўрамас” дейдилар севги келганда,
Юрагинг аламга, бахтга тўлганда,
Баъзан айро, баъзан бирга бўлганда,
Севгилим, севмоклик экан-ку осон.

Дардларим чекинди сўзларингиздан,
Кўзларим кулмокни ўрганди сиздан,
Ҳаётга қайтгандим гўё бошқатдан,
Дардқашим, дилқашим борлигингиздан.

Кўнглингиз озорлар чекди кўп бора,
Соғинчли туйғулар бўлдилар пора,
Ҳаддим бўлмас эди топгани чора,
Хафа бўлманг энди озорингиздан.

Азизим, мен ёлғиз сизни севаман,
Ишонинг мен танҳо сизни севаман,
Ҳеч кимга бермайман шу сўзингизни:
“Мен жондан севаман бир ўзингизни”.



Боймирзаев Акбар Али – 1991 йилда Сурхондарё вилояти, Денов туманида тузилган. Ҳозирда Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 104-гуруҳ талабаси.

Мен ҳаётда нималар кўрдим,
Шеър, баётда нималар кўрдим,
Экдимми ё экмайин ўрдим,
Неки бир кам, Худодан сўрдим,
Йўл кўп узок кўринди, устоз!

Гоҳи кўнмай тақдир корига,
Ўзни урдим баланд дорига,
Парво қилмай онам зорига,
Ношукрлик қилиб борига,
Қўлим кўп бор тилинди, устоз.
Йиқилганда баридан тўйиб,
Ўзни қўйиб, дунёни қўйиб,
Қисматимдан норизо қўйиб,
Кетганимда хорликни тўйиб,
Менга меҳр илиндинг, устоз.

Ўзинг яна шеърга бошладинг,
Ўзлигимга, дилга бошладинг,
Ҳар не қилсанг, элга бошладинг,
Энг тўғри бир йўлга бошладинг,
Йўлим равшан кўринди, устоз.

Кейин ўзни таниб олдим ман,
Қаён борсам, осмон бордим ман,
Омад қулди, бахтлар кўрдим ман,
Сенинг чексиз заҳматинг билан,
Қалбимга бир нур инди, устоз!..

Ҳаёт не, бахт надир ўргандим,
Баёт не, дард надир ўргандим,
Қадр кўрдим, қадр ўргандим,
Тойсам ногоҳ, сабр ўргандим,
Мен кутган у кун келди, устоз!

Синовларга бардош топилди,
“Феъл, от, сифат, олмаш” топилди,
Қалам топдим - кўз ёш топилди,
...ой топилди, куёш топилди,
Бари бир-бир топилди, устоз!

Офтоб кулди, офтоб, чарақлаб,
Янги кун дафтарин варақлаб,
Отам онам ишончин оклаб,
Дилга тугдим бу кунни сақлаб,
Осмон ҳам бир егилди, устоз!

Неча йиллик меҳнатим ҳаққи,
Сенинг сўнгсиз заҳматинг ҳаққи,
Худо берган қисматим ҳаққи,
Ўз йўлимни топдим, не бахтки,
Такдир кулди, бахт кулди устоз!

Оз бўлса-да бир йўл кўрдим ман,
Гоҳи ҳайрон, гоҳ терс турдим ман,
Мағлуб бўлдим, ғолиб бўлдим ман,
Охир илми толиб бўлдим ман,
Такдир шунга қўшилди, устоз!

Энди китоб икки қўлимда,
Порлар офтоб ўнг-у сўлида,
Сенга бир сўз бордир кўнглимда,
Мадаккорсан ҳаёт йўлимда,
Ўрнинг кўп бор билинди, устоз!
Қадринг кўп бор билинди, устоз!..

Йиллар ўтар кувалаш ўйнаб,
Беркинмачоқ ўйнайди йўллар.
Чашмаларнинг сувидек қайнаб,
Ўз ёрига талпинар диллар.

Йиллар ўтар кувалаш ўйнаб,
Беркинмачоқ ўйнайди йўллар.
Энди сени топдим деганда,
Сен томонга етмайди қўллар.

Излар ўтар кувалаш ўйнаб,
Беркинмачоқ ўйнайди кўзлар.
У жойларни билардик лекин,
Топишмадик негадир бизлар!

Юрагимни узолганим йўқ,
Ҳануз битмас дилимнинг доғи.
Сукунанинг бузолганим йўқ,
Умид билан ўтаман, чоғи

Сенга не фарқ менинг айтарим,
Осмондасан, парвойинг фалак.
Фарқсиз ҳатто ўтли байтларим,
Музлаб қолган сендаги юрак.

Кўнгил экан, кўнгил эканда,
Девонадек бош эгиб борсам.
Қарамадинг... дил қолди сандан,
Сенга фарқсиз шеър ҳам, шоир ҳам!

Ўзим янглиғ кўпин кўрдим ман,
Туйсанг, бағринг куйиб кетади.
“Нега тўрт йил сарсон юрдим ман?”
Тарих буни четлаб ўтади.

Ярим тун. Сукунат. Чироқлар ўчган,
Ёнғоқлар ортидан мўралайди Ой.
Билмадим, кимни деб ҳузурдан кечган,
Ёрини тополмай хиралайди Ой!..

Хасмидим, хазонми, қовжираган ўт?
Сен офтоб экансан, сандан кетди ўт.
Ёндим, ёнаяпман, мени асраб қол,
Булутга айланиб ёшинг тўкиб ўт!..

Ўша гавжум Миллий йўлида,
Кута-кута кўкариб кетдим.
Охир ночор икки қўлимда,
Юрагимни кўтариб кетдим.

Сенинг кизиқ эртақларинг бор,
Тилинг ширин ёлғонлар тўқир.
Қизиқ ҳатто қахрамонларинг,
Бирови кар, бирови сўқир.

Турфа ёлғон, турфа баҳона,
Ҳали-ҳамон гўдак боласан.
Умр ўтиб кетмоқда лекин,
Билмам, қачон катта бўласан.

Сен шўх-шодон кулганингда мен,
Эртамиздан ҳаёл сураман.
Қўўп ёлғончи бўлсанг-да фарқсиз,
Сени жуда яхши қўраман.

Жаҳлинг чиқар гоҳо аразлаб,
Эритарсан кўнглим мисли шам.
Умидворман дуолар айлаб,
Ақлинг кириб қолар сенинг ҳам!..
Сенинг ажиб эртақларинг бор.

Бўлмадим бир лаҳза, эй ёр, маст-у мастон сен билан
Қилмадим кўнглимни изҳор, қолди армон, сен билан

Оҳ, бу кўзлар йўлларида қолса ҳам муштоқ-у зор
Найлайин ман, дил очолмай бопушаймон сен билан

Ой юзинг ҳажрида бу дил ёнди, парво қилмадинг
Ман ғариб, туфроқ эканман – ер-у осмон сен билан

Ёр, дедим, дилдор, дедим, эй, қилма кўп озор, дедим
Топмадим ҳеч на қилайки давр-у даврон сен билан

Сан нечоғ хушрўй эдингки, сўзга ожиз қолди тил
Бир кўриб етди фалакка оҳ-у афгон сен билан

Кўзларинг маст-у хумор-у сочларинг бўйнимга дор
Қошки жонимни осонроқ олса Раҳмон сен билан

Сан кетиб, бу гўшаларда зарра маъно колмади
Кетди руҳим, кетди ақлим, кетди Ҳайрон сен билан!..

Хаёлимни олдингизку неча бир сўзлар ила
Ишоратлар қилиб андоғ қош ила, кўзлар ила

Тарк этиб ақл-у ҳушим бир телбавор ўртонаман
Сирлашиб дарё бўйида ой-у юлдузлар ила

Ёри жон, нечоғ севибман узмаюр кўнглим ўзин
Кошки рўбарў ўлтирсам, бу қизил юзлар ила

Сиз учун жонимни айлай садқайи эҳсон бу кун
Кузатгайсиз ором учун бир кунни бўзлар ила



Севинч Ёқубова - 1996 йил 27 июлда Урганч шаҳрида туғилган. Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик-лицейи талабаси

Т И Л А К

Ёшлик чоғлар ўтади албат,
Фурсатларни қайтариб бўлмас.
Эй синфдош, мактабдош, тенгдош.
Опа - сингил, қондош, қариндош.
Устозларга бўлайлик йўлдош.

Пайт келар, кўзларга тўтиё айлаб,
Сизнинг босган изларингиз.
Табаррук ва мўтабар санаб,
Панд-насихат сўзларингиз.

Бўламиз барчамиз – азиз елкадош,
Эслаб сизни ранжитганимиз.
Хижолатдан юзимиз ёнар
Хотиралар уйгонган маҳал,
Дил уйимиз меҳрдан қонар.

Согиниб яшамоқ шунчалар гўзал!
Ҳозир эса тилагимиз шул!
Чехрангизда чечаклар кулсин!
Қалб уйингиз нурларга тўлсин!
Байрамингиз муборак бўлсин!
Эй, меҳрибон ва мунис устоз.

ҲАВАС

Дейдиларки, отангдан улуғ,
Таълим берган меҳрибон устоз.
Инкор этмок гумроҳлик, шаксиз,
Аммо, отам - биринчи устоз.

Олтин зулфин мактаб эшигин,
Кўплар тавоф айлашга зордир.
Ўз уйида устоз бўлолган,
Муаллимда ҳавасим бордир.

Кўзингизда порлаган меҳр,
Зиёлари қалбимга кўнди.
Босган ҳар бир қадамингиздан,
Янги чечак, новдалар унди.

Ажин босмас зинҳор юзингиз,
Нури сўнмас ёрқин кўзингиз,
Қадрлидир ҳар бир сўзингиз
Чунки севар ўғил-қизингиз.

ОҚ ЛАЙЛАКЛАР – БЕҒУБОР ОРЗУ

Эй азиз тенгдошим, эй бахтиёрим!
Бугун кўлимдадир эрк, ихтиёрим.
Бағрига чорлайди кўркам баҳорим,
Беғубор масканим, она диёрим.

Сув келганда симириб ўтдим,
Тоғ келганда кемириб кетдим.
Қанотларда мен парвоз этдим,
Не-не девлар бошига етдим.

Кезиб чикдим бутун дунёни,
Исламадим асло рўёни.

Доғда қолди ёлмоғиз - мастон,
Олиб келдим булбулғўёни.

Эргаштириб тўқсонга алпни,
Барчин кулиб келди қошимга.
Алпомишлар улғайди ҳар кун,
Мафтун бўлиб узун сочимга.

Жойлаганман кўксим қаърига,
Ҳақимбекдек пахловонларим.

Ўзинг гувоҳ, ахир барига,
Эшитгансан илтожоларим.

Сакраб ўтдим қанча дарёни,
Жалолиддин самани бўлиб,
Қочди ғаним, шаштимни кўриб,
Ташлаб гўзал, она диёрни.

Адолатни туғ қилдим бошга,
Ўгит олиб Соҳибкирондан.
Иродамни менгзарлар тошга,
Асрагувчи мени бўрондан.

Озод шамол измимга кўнди.
Барча ғамлар йўқолди, сўнди.
Лайлак яна бошимга кўнди.
Орзулардан чечаклар унди.

Оқ лайлаклар – бегубор орзу.
Ўтарканман улуғ майдондан,
Кўз узолмай боқиб қоламан.
Енгил-енгил нафас оламан.

Оқ лайлаклар қанотида мен,
Келмаганим англадим, билдим.
Нафис ифор бўлиб туғилдим.
Фикр бўлиб дунёга келдим.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Она халқим дилимга солди,
Нафосатнинг ифорларини.
Юрт шодлиги қалбимда қолди,
Шеърга солдим наволарини.

Куйлаб янги авлод бахтини,
Истиқлолим берган тахтини,
Юрак қургур қувончга тўлди,
Қалам-қоғоз ҳамроҳим бўлди.

Турналардай келдилар қатор,
Фикрларим кўкдан қуйилиб.
Ёздим, чиздим, тўхтамадим ҳеч,
Ёзавердим, ҳар шому ҳар кеч.

Менга қалам тутқазганда ишқ,
Тиламадим олмоқни олқиш,

Оқ қоғозни қора қилган дам,
Илхом бўлди ҳамиша ҳамдам.

Мағрур Фарход кошимга келди,
Ошиқ Лайли сабодай елди,
Мумтоз ашъор бағримни тилди,
Тилкалади жисму жонимни.

Бахт водийси сўқмоқларида,
Яёв кезиб устоз Олимжон.
Икки дарё ирмоқларида,
Қирқта ўрим кокилим ювди.

Кўзларининг қароқларида,
Улғайтирди Зулфия момо.
Нигоҳининг ардоқларида,
Умидларим ёздилар қанот.

Қалбимдаги қайноқ ғурурни,
Кўксимдаги сўнмас сурурни,
Ғафур бобом дилимга солди,
Рухим чексиз ҳайратда колди.

“Ўзбекистон, ватаним маним”,
Қулоғимда жаранглаб турар.
Шоир, Ҳожи Абдулла Ориф,
Қўлларимдан етаклаб юрар.

Янграб турар олис-яқиндан,
Эркин Воҳид “Нидо”си ҳар кез.
Ҳижжалайман неки шоир бор,
Кўксим ўртар ўтли ифтихор.

Мустақиллик шаббодасида,
Қуртак ёзган алвон лоламан.
Насиб этса шеърларим билан,
Бу бўстонда боқий қоламан.

ҲОДИСАЛАР СИРИ

Юлдуз порлаб турса тунлари,
Қуёш чиқса ёруғ кунлари,
Сайёралар айланса тинмай,
Инсон зотин измига қўнмай,
Ҳаммасида физик низом бор.

Жилға оқиб тушса тоғлардан,
Булут сузиб ўтса боғлардан,
Сипқормоқчи бўлсанг хавони,
Илитмоқчи бўлсанг товани
Ҳаммасида физик низом бор.

Нур порласа хонангда ҳар дам,
Машқ қилиб бўлсанг сен бардам,
Музқаймоққа айланган сутни,
Кўрган маҳал эслайсан ҳар дам.
Ҳаммасида физик низом бор.

Ҳар бир модда недан тузилган,
Товуш оҳанглари нега узилган,
Қувсанг қаттиқ албат ўзилган,
Компютеринг нега бузилган,
Ҳаммасида физик низом бор.

Кўп ўйланиб сен бўлма хайрон,
Хотиринг ҳам бўлмасин вайрон,
Сен у дарсда ҳар куни кўрин,
Ўрган барин бирин ва бирин,
Билмоқ бўлсанг ҳодиса сирин.

НАВОИЙ БОБОМГА

Тарихларнинг қатларин титдим,
Асрларнинг чокини сўқдим.
Табаррук хокини кўзимга суртдим.
Навоий бобомга номалар битдим.

Эл дардини дилида ечган,
Юртим дея оромдан кечган,
Қалам-коғоз ила тиллашган,
Навоий бобомга номалар битдим.

Достонларин тинмай ўқидим,
Унга атаб шеърлар тўқидим,
Кўнглим ичра порлаганда нур,
Тилларимдан тўкиларди дур.

Узоқ боқиб кўзларим толди,
Ғазаллар зиёси фикримни олди,
Камтарин сиймоси дилимда қолди,
Ҳазрат шоир қалбга ўт солди.

Ҳар бир дилда ёнганда қуёш,
Мисли мумдай эриганда тош,
Ҳасрат қолмас дилимда пинҳон,
Қалбимда ҳеч чайқалмас армон.

Кўксидаги шу қайноқ туйғу,
Кўнгилларга кўчганда мангу,
Шоир бўлар жамалаксоч қиз,
Манглайида порлайди юлдуз.

ЎТКИР ҲОШИМОВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎҚИБ...

Ҳакима аямизнинг,
Эртақларин олиб ёд.
Болалик кезлариёқ,
Уйғонганди иштиёқ.

Устоз Абдулла Қаҳҳор,
Олқишлаган ўшал чоқ,
Қулоқ солмоқ чун қалбга,
Қилгандингиз қасамёд.

Анҳору сойлар тўлар,
Йиллар шамолдек елар,
Насиб қилса яқинда,
Етмишта баҳор келар.

Меҳр-шавқат маъбуди бўлиб,
Онаизар тушимга кирар.
Кўлларида сут ҳиди анқиб,
Кўксим шу кез кетади тўлиб.

Йўқлаб ўз суянган тоғин.
Яширолмай дилдаги доғин.
Маҳкам боғлаб белга белбоғин.
Недир излаб юрар Оқсоқол ?

Қамчисидан қон томган Умар,
Эврилганда Соат Ғанига,
Мажруҳ бўлган руҳин сўроқлаб,
Кезиб юрар Рустамхон Мамат.

Қайтиб келар ҳар йили баҳор,
Алимардон Тўраев бўлиб.
Титраб турар шу чоқ Мукаддам,
Юрак бағри афсусга тўлиб.

МУНДАРИЖА

“МАҲОРАТ МАКТАБИ” ПАЛАПОНЛАРИ.....	3
<i>Амриддин Абдулло.....</i>	<i>6</i>
<i>Зоир Ёрлақа.....</i>	<i>9</i>
<i>Бахтиёр Розиков.....</i>	<i>13</i>
<i>Рахматов Умид Абдухалилович.....</i>	<i>16</i>
<i>Қодиров Акмал Ахрорович.....</i>	<i>18</i>
<i>Назарқулов Турсунали Қўчқорович.....</i>	<i>19</i>
<i>Боймуродова Феруза Бозорбоевна.....</i>	<i>22</i>
<i>Жамолiddинова Мафура.....</i>	<i>24</i>
<i>Озодова Марҳабо Баҳодировна.....</i>	<i>27</i>
<i>Худойбердиева Шаҳноза Эргашбоевна.....</i>	<i>30</i>
<i>Бобоназарова Соҳиба Абдушариповна.....</i>	<i>32</i>
<i>Ҳайдарова Моҳигул Тўймуродовна.....</i>	<i>34</i>
<i>Бўтанов Равшан Акбаралиевич.....</i>	<i>36</i>
<i>Шоимов Фурқат Илҳомович.....</i>	<i>38</i>
<i>Қаюмова Нилуфар.....</i>	<i>41</i>
<i>Ҳамроева Ҳамида Низомовна.....</i>	<i>44</i>
<i>Турдиева Мафтуна Абдурахмоновна.....</i>	<i>46</i>
<i>Бобоқулова Шоҳсанам Комил қизи.....</i>	<i>49</i>
<i>Эргашев Нурбек Умар ўғли.....</i>	<i>51</i>
<i>Нормуродова Шаҳноз Эркиновна.....</i>	<i>54</i>
<i>Ашурова Хуршида Нуралиевна.....</i>	<i>56</i>
<i>Пўлатова Дилноза Ҳасановна.....</i>	<i>59</i>
<i>Барлибоева Ситора Комилжон қизи.....</i>	<i>63</i>
<i>Бахромов Дилфуза Азамжон қизи.....</i>	<i>69</i>
<i>Тиловова Оқила Ўткировна.....</i>	<i>71</i>
<i>Оллоберганова Сарвиноз Равшанбековна.....</i>	<i>76</i>
<i>Хусан Мақсудов.....</i>	<i>78</i>
<i>Сайфиддинова Гулноза.....</i>	<i>81</i>
<i>Рафиева Умида Бегмуродовна.....</i>	<i>83</i>
<i>Равшанова Гулруҳ Яхшибоевна.....</i>	<i>86</i>
<i>Шаропова Феруза Валиевна.....</i>	<i>89</i>
<i>Боймирзаев Акбар Али.....</i>	<i>93</i>
<i>Севинч Ёқубова.....</i>	<i>97</i>

